Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 10 (19.978) • 1988 йил 13 январь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ

Косонсой район агросаноат бирлашмаси устахоналарининг ходимлари ҳайдов тракторлари учун поршен гильзаларига буюртма беришни тўхтатдилар.

Энди бу деталларни уларнинг ўзлари маҳаллий рационализаторлардан инженер Ш. Анафиев билан слесарь А. Темиров таклиф этган технология бўйича ясай бошладилар.

Тез ишдан чиқадиган деталларни ишлаб чиқарадиган ўз корхоналари машиналар тўхтовсиз ишлашини, бекор туриб қолишлар муддатини қисқартиришни таъминлайди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, новаторларнинг таклифларини жорий этишдан йилига қарийб 36 минг сўмлик самара кўрилар экан.

Косонсой ремонтчилари Наманган областининг бошқа районларидаги ҳамкасбларига ҳам ёрдам тариқасида поршен гильзаларини ясаб беришни таклиф этдилар.

КЎКЛАМГА ТАХТ

Комсомол районидаги «Ленинград» совхозининг механизаторлари ўз машиналарини эртагаёқ далага олиб чиқишга тайёрлар. Колхозда мавжуд барча сеялкалар ремонтдан чиқарилиб, ишга тахт қилиб қўйилган.

Марказий ремонт устахоналарининг коллективлари янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ юксак суръатлар билан меҳнат қилишмоқда. Слесарлардан Р. Холиқов, Я. Тошкенбоев, Х. Қодировлар техника ремонти ва эскирган деталларни тиклаш ишларини аъло даражада уддаламоқдалар.

Ремонтчилар кўкламги дала ишлари учун зарур бўлган бутун техникани 20 январгача тахт қилиб қўйишга ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

М. С. ГОРБАЧЕВ М. Якеш билан учрашди

11 январь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Кремлда ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари М. Якеш билан учрашди.

М. Якеш ЧКП Марказий Комитети 1987 йил декабрь Пленуми ишининг якунлари тўғрисида гапириб, Чехословакия социалистик қурилишнинг янги масъулиятли даврига кирганини, бу давр қайта қуриш ва социалистик демократияни чуқурлаштириш билан боғлиқ эканини таъкидлади. Бу эса партиянинг бутун ишини фаоллаштиришни талаб қилади. Бош вазифа ЧКП Марказий Комитетининг Пленумида ишлаб чиқилган қайта қуриш, демократиялаш сиёсатини турмуш билан бирлаштиришдан уни реал практика ўзанига солиб юборишдан иборат.

М. С. Горбачев чехословак коммунистларининг ижтимоий турмуш формаларини янгилаш, қардош Чехословакия олдида турган энг зарур муаммоларни ҳал этишни жадаллаштириш муддаосини юқори баҳолади. ЧССРда амалга оширилаётган тадбирларга мамлакатимизда зўр қизиқиш ва хайрихоҳлик билан қаралмоқда.

Ўзгартишларнинг миқёслари ва суръатларидаги, ўртага қўйилган мақсадларга эришиш шакллари ва усулларидаги ўзига хосликка қарамай, Совет Иттифоқидаги ва Чехословакиядаги қайта қуриш жараёнларининг умумий йўналиши бир-бирига мос бўлиб тушаётганини М. С. Горбачев билан М. Якеш уқтириб ўтдилар. Бу эса экономика, идеология, фан ва маданият соҳаларидаги Совет—Чехословакия муносабатларини янада ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай шароит яратади.



Суратда: учрашув пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

М. С. Горбачев КПССнинг иш тажрибасини баён этиб, партия билан мамлакат учун қайта қуришнинг янги босқичи бошланганлигини қайд этди. Миллион-миллион кишиларнинг манфаатларига дахлдор ишлар қилинаётган, бутун жамият ҳаракатга келаётган шароитда партиянинг иши бошқача жиҳат касб этади. Партия жамиятнинг сиёсий авангарди ролини бажариб, бутун диққат-эътиборни ижтимоий тараққиётнинг илмий асосланган стратегиясини ишлаб чиқишга, кадрлар сиёсатини белгилаб беришга, идеология ишига қаратади.

Ҳозир партия комитетларининг пленумлари ва коммунистларнинг йиғилишлари ўтказилмоқда, сайлаб қўйилган органларнинг қайта қуришга раҳбарлик иши тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокама қилинмоқда. Кўпгина жойларда бу кампания рўй-ростлик, амалий танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда. Раҳбарликнинг сиёсий усулларини ўзлаштириш, партия органларини ўзларига хос бўлмаган нуқул хўжалик, бошқарувчилик вазифаларидан халос қилиш зарурлиги тўғрисидаги масалалар ўткир қилиб қўйилмоқда.

М. С. Горбачев Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик ишлари ҳақида гапириб берди.

Суҳбат чоғида халқаро аҳвол масалалари муҳокама қилинди. М. Якеш ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартноманинг аҳамиятини юқори баҳолади. У чехословак халқи бу Шартномани ақл-идрок ва сиёсий масъулиятнинг ғалабаси, деб баҳолаганлигини айтди.

Ўтган йилнинг сиёсий-дипломатик якунлари янги, 1988 йил халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида катта тараққиёт билан нишонланиши учун яхши шароит яратганлиги уқтириб ўтилди. Ядро қуролини, шунингдек Европадаги оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш, химиявий қуролни тугатиш проблемаларини бундан буён ҳал этиш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Иккала партия ва мамлакатнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи иттифоқчи давлатлар билан, бошқа барча социалистик мамлакатлар билан биргаликда бундан буён ҳам фаол, баҳамжиҳат ҳаракат қилиб ядро уруши хавфини тугатишга, қуролсизланишга, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтиришга эришишга азму қарор берганликлари тасдиқланди.

Учрашув самимият, дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

* * *

КПСС Марказий Комитети номидан Кремлда қардош партия раҳбари шарафига зиёфат берилди.

Зиёфатда Совет томонидан М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, И. В. Капитонов ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев ва М. Якеш нутқ сўзладилар. Нутқлар қарсаклар билан қутиб олинди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

12 январь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Марказий Комитет Бюросининг аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Ўртоқ Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. П. Разумовский нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг сектор мудири ўртоқ В. И. Бессарабов қатнашди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Рафиқ Нишонович НИШОНОВ

Рафиқ Нишонович Нишонов 1926 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилди. ўзбек. 1949 йилдан бери КПСС аъзоси. Маълумоти олий: В. Г. Белинский номли Тошкент давлат педагогика институтини битирган, тарих фанлари кандидати.

Меҳнат фаолиятини 1942 йилда Бўстонлиқ районидаги «Чирчиқ» колхози аъзолигидан бошлаган. Сўнгра комсомол ишига кўтарилган, Совет Армияси сафларида хизмат қилган. 1951 йилдан бошлаб совет ва партия ишларида хизмат қилди: Тошкент шаҳридаги район партия комитетида секретарь, Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири, Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлади. 1963—1970 йилларда Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари бўлди. 1970—1978 йилларда у Шри-Ланка республикасида ва Мальдив республикасида СССРнинг фавқулодда ва мухтор элчиси, шундан кейин 1985 йилгача СССРнинг Иорданиядаги элчиси бўлди. 1985 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри лавозимида ишлади.

1986 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланди. У ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосаридир.

Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоси, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир.

Иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккита «Ҳурмат Белгиси» ордени, СССР медаллари, Иорданиянинг биринчи даражали Мустақиллик ордени билан мукофотланган. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ЧКП Марказий Комитети Бош секретари М. Якеш 12 январь куни Москвадан жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитетининг таклифига кўра амалий визит билан мамлакатимизга келган эди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари жўнаб кетиш олдидан В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

Меҳмон Москвадаги Фрунзе райони партия комитетининг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

М. Якеш СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига ҳам борди.

Меҳмонга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков ҳамроҳ бўлди.

(ТАСС).

ҲАР БИР ТЕКШИРУВ САМАРАЛИ БЎЛСИН

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида идоралараро контрол органлари ўтказадиган текширувларни мувофиқлаштириш республика кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров олиб борди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг талаблари асосида корхоналар ва муассасаларда ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштиришни яхшилаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан кенгаш вазифаларини муҳокама қилдилар. 1988 йилнинг биринчи кварталида ўтказиш мўлжалланган текширувларнинг йиғма плани тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

ВЕТЕРАНЛАР ТАЖРИБАСИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

12 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг пленуми бўлди. Республикада иш кўраётган ветеранлар ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов доклад қилди.

Пленумда қайта қуриш вазифаларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ ишларда ветеранларнинг активлигини, уларнинг пахтачиликни ривожлантиришга самарали таъсирини кучайтириш йўллари белгиланди. Сўзга чиққан кишилар қишлоқ хўжалиги мутахассислари, олимлар, мўл ҳосил усталари бўлган уруш ва меҳнат ветеранларини пахта етиштиришнинг интенсив технологияларини ишлаб чиқишга ва уларни кенг қўламда жорий этишга жалб қилиш масалаларига катта эътибор бердилар.

Пленум қатнашчилари уруш ва меҳнат ветеранлари бўлган пенсионерларнинг социал-маиший шароитларини ва уларнинг дам олишини ташкил этишни янада яхшилаш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ рейдининг дастлабки якунларини кўриб чиқдилар. Республика ветеранлар ташкилотлари ва комсомол комитетларининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни тубдан яхшилашга оид биргаликдаги тадбирлар плани тасдиқланди.

Республика Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг 1988 йил биринчи ярмига мўлжалланган асосий тадбирлари белгиланди.

Пленумда Бутуниттифоқ уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши раисининг ўринбосари П. И. Кравченко нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ)

ДУНЁ ОВОЗИ

Н. И. Рижковнинг Швецияда бўлиши

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков 11 январь куни расмий визит билан Стокгольмга келди. Совет Иттифоқи ва Швециянинг давлат байроқлари билан безатилган Араланда халқаро аэропортида Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонни Швеция бош министри И. Карлссон, ташқи ишлар министри С. Андерссон ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

СТОКГОЛЬМ, 11 январь. (ТАСС). Швеция қироли Карл XVI Густав қирол саройида СССР Министрлар Советининг Раиси шарафига нонушта-зиёфат берди.

* * *

Бугун бу ерда Н. И. Рижков билан И. Карлссон ўртасида музокаралар бошланди.

Томонлар Совет — Швеция муносабатларининг аҳволи ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболларини, шунингдек ҳозирги халқаро ҳаётга доир кўпгина масалаларни хайрихоҳлик вазиятида батафсил кўриб чиқдилар.

Тенглик, суверенитетни ҳурмат қилиш ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳозирги вақтда барча йўналишларда муттасил ривожланиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Томонлар икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштиришга тайёр эканликларини айтдилар.

Иккала мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари Болтиқ денгизи кенгликларини чегаралаш тўғрисидаги масала юзасидан ҳамжиҳатликка эришдилар.

Н. И. Рижков СССРда мамлакат турмушининг барча соҳаларида рўй бераётган чуқур ўзгартишлар тўғрисида гапириб берди, совет жамияти ривожининг ҳозирги босқичини кенг таърифлади. И. Карлссон қайта қуриш сиёсатига муваффақият тилади ҳамда бу сиёсат Европа ва бутун дунё халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни кучайтиришга кўмаклашади, деб умид билдирди.

Фикрлашув жаҳон сиёсатининг энг муҳим проблемалари юзасидан иккала мамлакат қарашларининг бир-бирига мос ёки яқин эканлигини кўрсатди. Айни вақтда Совет Иттифоқи ва Швеция ядро уруши хавфини бартараф этиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият бераётганликлари таъкидланди.

Ҳар иккала томон кейинги вақтларда жаҳондаги вазият ривожида бир қанча ижобий силжишлар бўлганлигини мамнуният билан уқтириб ўтди. Шу мосабат билан И. Карлссон ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида Вашингтонда имзоланган Совет — Америка Шартномасига юқори баҳо берди. Мазкур шартнома ядровий қуролсизланиш соҳасида янада кенг қўламли битимлар тузилишига йўл очиб беради. И. Карлссон М. С. Горбачев Мурманск шаҳрида ўртага қўйган ҳамда Европа шимолида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, Шимол, Арктика ресурсларини ўрганиш ва ўзлаштириш ҳамда мазкур регион атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларга Швециядагилар ижобий фикр билдираётганликларини айтди.

* * *

Н. И. Рижков «ПК — банкен» банкини бориб кўрди. У мамлакатда амал қилаётган кредит бериш ва маблағ билан таъминлаш системаси билан танишди.

* * *

11 январда Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмон шарафига И. Карлссон номидан зиёфат берилди.

Зиёфатда иккала мамлакатнинг ҳукумат бошлиқлари нутқ сўзладилар.

Ақл-идрокдаги ўзгариш

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Хитойдаги «Ляован» ҳафталик журнали редакцияси саволларига қайтарган жавоблари мазкур журналнинг 11 январь кунида чиққан иккинчи сонида эълон қилинди, ушбу сонда совет раҳбарининг фотосурати ва унинг дастхати ҳам бор. Синьхуа агентлиги тарқатган ана шу жавобларнинг батафсил баёни ХКП Марказий Комитети органи «Жэньминь жибао» газетаси, «Бэйцзин Жибао», «Гуанмин жибао», «Гуньжэнь жибао», «Чайна дейли» газеталарининг биринчи саҳифаларида эълон қилинди. ХХРдаги етакчи газета-журналлар катта-катта иероглифлар билан терилган сарлавҳаларида М. С. Горбачевнинг жаҳондаги умумий сиёсий вазият ўзгарганлиги 1987 йилнинг энг муҳим якуни бўлди, деган сўзларига алоҳида диққат-эътибор бермоқдалар.

Бунда, аввало, Вашингтондаги Совет — Америка учрашуви якунлари назарда тутилмоқда, Хитой матбуоти ана шу учрашувнинг тарихий аҳамиятини якдиллик билан таъкидламоқда. Бу учрашувда реал қуролсизланиш жараёнининг бошланишига пойдевор қўйган ядро ракеталарининг икки турини тугатиш тўғрисида биринчи битимга эришилди ва ядро қуролининг асосий стратегик аслаҳаҳоналарини кўплаб қисқартириш истиқболи очилди.

М. С. Горбачев қайтарган жавоблар социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари оммавий ахборот воситаларининг марказий мавзуи бўлди. Совет раҳбари, дейилади Венгрия телевиденнесининг шарҳида, жаҳондаги вазиятга реал баҳо берди ва айни вақтда хавфсиз дунё йўлида ҳали кўпгина ишларни бартараф этиш лозимлигини таъкидлади. Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетаси жаҳон хавфли марраден бир қадар нари кетди, деб ёзди. Жаҳондаги психологик иқлим аста-секин ўзгарганлиги, ақл-идрокдаги ўзгаришлар туфайли шундай бўлди.

Мазкур жараёнда ўз вазифасини ўтаган турли омиллар орасидан жаҳон социализмининг халқаро муносабатларни соғломлаштириш ва нормаллаштиришга қаратилган умуминсоний омилни кўзгатишдаги ҳиссасини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринли бўлади, деб таъкидлади Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетаси. Шундан кейин газета совет раҳбарининг ушбу ҳиссаси бугунги кунда социалистик жамият равнақига хос бўлган жами омиллар — теран ўзгаришлар, қайта қуриш ва янгиланиш билан бевосита боғлиқ, деб билдирган фикрини келтирди. СССРдаги қайта қуришнинг боришини таҳлил этар экан, Михаил Горбачев ислоҳотнинг ҳозирги босқичида жуда кўп нарсалар партияга боғлиқлигини таъкидлади, деб ёзади Чехословакияда чиқадиган «Руде право» газетаси. Партия ўзини жиддий тарзда қайта қуриши, давлат ва хўжалик органларининг ўрнини босишга барҳам бериши, иш формаларини ўзгартириши керак. Ушбу масалалар 1988 йилнинг ёзида бўладиган Бутуниттифоқ партия конференциясида ҳал этилади.

Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида совет раҳбарининг «Ляован» журнали редакцияси саволларига жавобларини батафсил баён этиб, М. С. Горбачевнинг Совет Иттифоқидагилар экономика, маданият, илм-фан, маориф, спорт соҳасида ўзаро фойдали Совет—Хитой ҳамкорлиги ўсиб бораётганидан, сиёсий мулоқот йўлга қўйилаётганидан мамнун эканликлари тўғрисидаги сўзларига эътиборни қаратмоқдалар.

(ТАСС).

• *Партия турмуши: ҳисобот йиғилишлари*

МЕЗОН—ИШЧАНЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Пленумда Қорақалпоғистон область партия комитети бюросининг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги фаолияти чуқур муҳокама қилинди. Пленум принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Бунга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганлиги айниқса муҳим роль ўйнади.

Область партия комитети бюроси аъзолари, обком секретарлари, аппарат ходимлари партия ташкилотлари қўйи бўғинларида, халқ хўжалиги тармоқларида, корхона ва ташкилотларда, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, комсомолёшларнинг вакиллари билан учрашувларда қайта қуриш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдилар. Ҳисобот доклади тезислари автоном республика газеталарида барча коммунистлар ва меҳнаткашлар диққатига ҳавола қилинди. Қайта қуришнинг янги босқичи вазифаларини аниқлаб олишда матбуот ва телевидениеда ўтказилган мунозаралар яхши самаралар берди.

Пленумда область партия комитети ва унинг бюроси социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, инсон омилини активлаштириш, қайта қуришга халқит бераётган барча тўсиқларни бартараф этишда бир қатор ибратли ишлар қилганлиги таъкидланди. Автоном республика саноатида 1985—1986 йилларда ишлаб чиқариш ҳажми 5,6 процент ўсди. Беш йилликнинг ўтган икки йилида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш топшириқлари ошириб бажарилди. Бироқ — деб қайд этишди пленумда музокарада сўзга чиққан нотиқлар, — ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати шу кун талаблари даражасидан орқада қолмоқда. Ана шу сабабли 17 та корхона 800 минг сўмдан кўпроқ жарима тўлашга мажбур бўлди. Ўтган йили 20 та корхона ва бирлашма истеъмолчиларга 11 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди. Бундай қолоқлик капитал қурилишда ҳам содир бўляпти. Гарчи Хўжайли, Беруний, Тўрткўл ва Мангитда ип-газлама комбинати филиаллари, Чимбойда гуруч заводи, Тахиатош ГРЭСининг бешинчи навбати қуриб битказилган бўлса-да турар жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилар, касалхоналар ҳамда бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши суръати жуда ҳам суст. Ана шундай камчиликлар бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ҳам, район, шаҳар, область партия комитетлари пленумларида ҳам бир неча марта таъкидланган, қарорлар қабул қилинган бўлсада, ана шу қарорлар ижросини таъминлашга етарли эътибор берилмади. Амалда сўз ва иш бирлигига эришилмади.

Бундай қолоқлик сабаблари область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликовнинг ҳисобот докладида ҳам, музокарада қатнашган нотиқларнинг сўзларида ҳам чуқур таҳлил этилди. Пленумда ана шу соҳага раҳбарлик қилиш вазифаси топширилган обком секретари Р. Режепов ишда етарли даражада талабчанлик кўрсатмаётганлиги қаттиқ танқид қилинди.

Музокарада сўзга чиққан 93-махсус трестнинг механизациялашган кўчма колоннаси электр-пайвандчиси С. Балашев, Кўнғирот район партия комитетининг биринчи секретари К. Сарсенов, Кегайли районидаги «Халқобод» совхози бригада бошлиғи, цех партия ташкилоти секретари К. Ерназарова, Тўрткўл район партия комитетининг биринчи секретари Г. Хажиев, Қораўзак район партия комитетининг биринчи секретари А. Арзиев пленум қатнашчилари эътиборини экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экишни қатъий жорий этиш борасида дуч келинаётган муаммоларга қаратдилар. Кейинги йилларда автоном республикада пахта, шоли тайёрлаш планлари бажарилмасдан қолаётганлиги сабабларидан бири ана шунда эканлиги таъкидланди. Ўтган йили ҚҚАССРда 336 минг тонна пахта териб олинди. Бу бурноги йилдагига қараганда 22 минг тонна камдир. Тўрткўл, Кегайли, Беруний, Хўжайли районларида планни бажариш учун барча имкониятлар бор эди. Бироқ район партия комитетлари ва РАПО раҳбарлари ишда қатъий талабчанлик кўрсатмадилар. Уларнинг сафарбарлик роли сезилмади. Пленумда шунингдек, область партия комитети секретари Д. Н. Шамшетов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раиси биринчи ўринбосари, автоном республика давлат агросаноат комитети раиси А. С. Оқмамбетовларнинг номига ҳам ишда ташкилотчилик кўрсата олмаганлиги учун жиддий танқидий гаплар айтилди.

— Ўтган йилдан бошлаб харажатларни контрол қилишнинг чек усулига ўтдик, — деди Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози бригадаси бошлиғи Р. Мамбетов. — Бу усул дастлабки самарасини беряпти. Икки йилда пландан ташқари 20 тонна пахта сотдик. Интенсив технология ҳосилдорликни 34 центнерга етказиш имконини берди. 61138 сўм иқтисод қилинди. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи планда белгиланган 55 сўм ўрнига, 40 сўмданга тўғри келди. Ўтган йили районимизда 174 оила пудрат усулида ишлашга ўтди. Хўжалигимизда эса деярли барча бригадалар ана шундай янгича усулда меҳнат қилмоқда. Айтмоқчиманки, бел йилликнинг учинчи йилида автоном республиканинг барча хўжаликларида пудрат усули тўла жорий этилса план-топшириқлар ошириб бажарилиши мумкин.

Пленумда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, резервдаги кадрлар билан ишлашни янада яхшилаш зарурлиги, бунинг учун эса область партия комитети бюроси, обкомнинг партиявий-ташкилий ишлар бўлими ўз ишини тубдан қайта қуриб олиши лозимлиги айтилди. Жойларда кадрлар кўнимсизлиги ҳали ҳам давом этяпти. Партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, уларга амалий ёрдам бериш зарурлигига алоҳида тўхталдилар.

— Партия қўйи бўғинлари билан алоқа мустаҳкам ва изчил эмаслиги сабабли цех партия ташкилотлари секретарлари, партия группалари ташкилотчилари, коммунистлар қайта қуришнинг янги босқичида ўз олдиларида турган вазифани яхши билмаяптилар, — деди Нукус районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозининг сут соғувчиси Қ. Дўсимбетова.

Чимбой район партия комитетининг биринчи секретари Ў. Кунназаров, Тахиатош ГРЭСи директори А. Шапиев область партия комитети бюроси ҳамон эскича ишлаш услубидан қутула олмаётганлигини, қоғозбозлик, телефонбозлик камаймаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Эскича ишлаш эса ўз навбатида қўйидан турли хил шикоятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ана шунинг учун ҳам кейинги икки йилда 8 мингдан кўпроқ хат ва ғозаки шикоятлар кўриб чиқилди. Нукус шаҳрида, Тўрткўл, Амударё, Кўнғирот районларида меҳнаткашларнинг хатлари ва шикоятлари билан яқиндан шуғулланилмаётгани сабабли кишилар қайта-қайта хат ёзишга мажбур бўлмоқдалар.

Областда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг ҳозирги аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Сиёсий ва иқтисодий ўқув, лекция пропагандаси, атеистик тарбияда ҳужумкорлик етишмаяпти. Лекция пропагандасида қўшиб ёзиш, давлатни алдаш каби воқеалар содир бўлаётгани ташвиш туғдирмоқда. Область партия комитети секретари М. Қ. Аралбоев, область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири Ж. Норимбетов олдинги пленумларда айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб олмадилар. Улар ҳамон эскича ишлашда давом этмоқдалар. Пленумда обком бюроси аъзолари — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раиси Д. С. Ёдгоров, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. С. Малолетов номига ҳам танқидий гаплар айтилди. Касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарлик сусайганлиги, меҳнаткашларга медицина, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишидаги камчиликларни тугатишда обком бюроси суст иш олиб боратганлиги пленумда алоҳида қайд этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликовнинг эскича ишлаш услуби ва методларидан қутула олмаётганлиги, унда ҳар бир ишга комплекс ёндашиш етишмаётганлиги музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг сўзларида кўрсатиб ўтилди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЎЛА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ— ЭКОНОМИКАМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Аэрофлот азалдан коммерция ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиб келади. Мамлакатда мустақил система сифатида унинг олдида ҳеч қандай рақобатчи ташкилот бўлмаган. 1 январдан бошлаб Аэрофлот, жумладан, Ўзбекистон граждан авиацияси тўла хўжалик ҳисобига ўтди. Хўш, янги усулда ишлаш ҳаво транспорти йўловчиларига ва авиаторларнинг ўзига нима беради! Бошқарма бошлиғи Б. Т. ТУРИК билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Тўғри, шу пайтгача амал қилиб келинган структурада айрим корхоналар зарар келтириб ишларди. Мана, бизнинг бошқармани олайлик. Корхоналаримизнинг 58 процента зарар келтиради. 1986 йилги умумий зарар 7,2 миллион сўмни ташкил этди. Нукус авиаотряди — 2 миллион 180 минг сўм, Самарқанд — 870 минг, Термиз — 830 минг, Бухоро — 450 минг, Қарши — 563 минг, Қўқон — 1 миллион 762 минг, Наманган — эса 500 минг сўм зарар келтирди. 1987 йилги зарар ҳам ундан кам бўлмади.

Очиғини айтсам, ўн иккинчи беш йилликда иқтисодий кўрсаткичларимиз яхшиланиши учун асос бўларли замин ҳозирча йўқ. Чунки республикада ғўзага биологик усулда ишлов беришга ялписига ўтилаётгани муносабати билан авиахимия хизмати учун буюртма кескин камайди. Ўтган йилнинг баҳор ва ёз ойларида қишлоқ хўжалик авиацияси машиналарининг 60 процентдан ортиғи республикадан ташқарида ишлатилди. Халқ хўжалигида авиацияни жорий этиш бўйича иш ҳажмларининг қисқариши туфайли Ан-2 самолётларидан кўпи бекор қолмоқда. Ана шу самолётлар қарови фақат амортизация ажратмаси бўйича 580 минг сўмни ва экипажларни сақлаш харажатлари 300 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу бориб турган зарар, ахир! Кичик авиацияга тўлиқ иш топиб бериш биз учун катта муаммога айланиб қолди.

Йўловчилар ташиш бўйича ҳам ўсишга эришиш учун қўшимча ресурс олганимиз йўқ. Чунки Ил-62, Ан-24, Як-40 самолётларининг анча қисми эскирганлиги учун ҳисобдан чиқарилади. Граждан авиацияси министрлиги уларнинг ўрнига янги самолётлар беришни ҳозирча планлаштиргани йўқ. Энг кўп йўловчи ташийдиган Ил-86 самолётини ҳамма аэропортлар ҳам қабул қила олмайди... Хуллас, бор умидимиз иқтисодий ислоҳотдан.

— Борис Тихонович, иш самарадорлигини ошириш бўйича бошқарманинг ўзи қандай ишлар қилганлиги тўғрисида сўзлаб бersангиз.

— Ўтган беш йилликдан бошлаб бир қанча техникавий-иқтисодий ўзгаришлар қилинди. Чунончи, ҳаво кемаларидан кооперация йўли билан фойдаланиш усули жорий этилди. Ички хўжалик ҳисоби ишлаб чиқилди, бунда корхона ишининг пировард натижаси ҳисобга олинади. Айрим хизмат бўғинларида меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули йўлга қўйилди. Томди аэропорти зарар келтираётгани учун тугатилди. Норентабелликдан чиқа олмаган Жиззах аэропорти бошқа идора ҳисобига ўтказилди. Вертолётлар типига қараб муайян ихтисослаштирилган корхоналарга берилди. Ил-86 самолётларининг базаси барпо этилди.

— Янги усулга ўтиш муносабати билан қандай ўзгаришлар бўлди?

— Анча. Аввало, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси таркибида хўжалик ҳисобида ишловчи структуравий бирликлар ташкил қилинди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунидан келиб чиқиб, эндиликда бошқармамиз бирлашма статусини олди. Республикада Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Нукус, жами 11 та шаҳардаги аэропорт хўжалик ҳисобида ишлайди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бирлашма аппаратида ишлаб чиқариш моҳиятига кўра ихтисослаштирилган: учишлар билан боғлиқ, инженер-техник, коммерция комплекслари тузиляпти.

Йириклаштирилган структуравий бирликлар (аэропорт, авиатехника базаси, учиш отрядлари) мустақил балансда бўлиб, улар тегишли асосий ва оборот маблағлардан фойдаланишади. Ҳар бири Давлат банкида ўз жорий ҳисобига эга. Тармоғимиз хўжалик механизмида аэропортлар асосий бўғин ҳисобланади. У йўловчилар ва юк ташишдан келаётган барча даромадларни олиб, кооперация бўйича шерикларга (база, отряд ва агентликлар) бинан ўзаро ҳисобкитобни амалга оширади. Бирлашган авиаотрядлар балансидаги барча ер усти иншоотлари аэропортларга ўтказиб берилди. Аэропорт бу иншоотларни бошқа структуравий бирликларга шартнома асосида ижарага беради. Авиакорхоналар хўжалик юритишнинг янги усулига ўтиши, янги тариф ва мансаб маошлари белгиланишига тайёргарлик муносабати билан ишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув ходимлари умумий сонини 15—20 процент қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Капитал қурилиш, капитал ремонт ва социал масалаларни ҳал этиш бирлашмада тузиладиган социал таъминот, капитал қурилиш ва ремонт, ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш комплекси зиммасига юкланади. Бу комплекс ўз ишини бирлашма кенгаши тасдиқлайдиган социал-иқтисодий ривожланиш плани асосида олиб боради. Структуравий бирликларни оқилона бошқариш юзасидан ташкилий ўзгаришлар ҳам қилиндики, бу мавжуд муаммоларни бир мунча оператив ҳал қилиш, барча бўғинлар раҳбарларида мустақиллик ва масъулиятни ошириш, меҳнат коллективларида демократияни кенгайтиришга имкон беради, деб ўйлайман.

— Йўловчилар ташиш ҳажми бу беш йилликда ўсмаслиги, аксинча, камайиши ҳақида гапирдингиз? Ҳаво йўлидан фойдаланувчилар бундан хурсанд бўлмаслиги турган гап...

— Давримиз ҳар нарсага реал кўз билан қарашни тақозо этяпти. Ўйлайманки, йўловчилар вужудга келган вазиятни тўғри тушунишади. Авиайўловчиларга хизмат кўрсатиш барча корхона ва хизмат бўғинлари фаолияти даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири парвозлар мунтазамлигидир. Масалан, Тошкент бирлашган авиаотряди бўйича 1987 йили парвозлар мунтазамлиги марказий ҳаво линияларида 1 процент, маҳаллий линияларда 5,6 процент камайди. Чунки аэропортлардан қилинадиган ҳар учта парвоздан биттасинигина бошқармамизнинг рейса бириктирилган самолётлари амалга оширади, холос. Парвозларнинг 70 проценти Аэрофлотнинг бошқа бошқармаларига қарашли самолётларга тўғри келади.

Яна бир сабаб — ёнилғимойлаш материаллари таъминоти билан боғлиқ. Гап ёнилғи камлиги тўғрисида эмас, балки унинг реал истеъмолга қараб ажратилмаётганлиги ҳақида. Ёзги мавсумда авиаёнилғи қишдагига нисбатан икки ярим баравар кўп сарф бўлади. Нефтни қайта ишлаш заводлари эса белгиланган меъёрдан чиқмайди. Кўпинча қўшимча план асосидаги ёнилғи ойнинг охирида, ундан фойдаланиш учун на техник жиҳатдан, на вақт важидан имкон қолмаган пайтда ажратилади. Ана шу қўшимча тадбир ҳам заводларнинг имкон даражаси ва темир йўл ҳаракат состави хизматини нақд қилмай туриб тузилаётгани ишимизга халақит беради.

Сабаблар ҳар қанча объектив бўлмасин, барибир йўловчи ҳақ. Чунки у олдиндан билет сотиб олади, парвоз қоидаларига амал қилган ҳолда аэропортга вақтида етиб келиб, рейсини кутади. Вақтида учиб кета олмаса, унинг олдида биринчи жавобгар — Аэрофлот. Ҳозиргача у ёки бу сабаб билан рейс бекор қилиниб, учиб кетмаган йўловчига билет ҳақини қайтиб бериш билан чекланиларди.

— Энди-чи? Бу борада адолат қарор топадиган бўлдими?

— Ҳа, шу йилнинг 1 февралидан бошлаб Аэрофлот айби билан вақтида учиб кета олмаган йўловчига ўрнини қоплаш тариқасида пул тўланади. Аэрофлот айби деганда битта рейсга нормадан ортиқ билет сотилиши, билетлар сотилган ҳаво кемасининг алмаштирилиши натижасида «ортиқча» йўловчилар пайдо бўлиши ёки авиакассирнинг эътиборсизлиги оқибатида рейс номери, маршрут, учиш вақти, жўнаш аэропорти нотўғри кўрсатилиши сингари ҳоллар тушунилади.

Баъзан муайян рейс ҳаракати жадвали ва маршрутига билет сотиб қўйилганидан кейин ўзгартириш киритилади. Ниҳоят Граждан авиацияси ходимлари айби билан йўловчини рўйхатга олиш вақтида ёки махсус текширувдан ўтиш чоғида асоссиз тутиб қолиш каби ҳоллар рўй бериши мумкин. Шундай вазиятларда йўловчига унинг беҳуда кетган вақти ва етказилган ноқулайликни қоплаш учун пул тўлови берилади. Агар самолёт учиб кетиб, йўловчи аэропортда қолган бўлса, у албатта, навбатдаги энг яқин рейсдаги мавжуд бўш жойга ўтқазиб юборилиши лозим. Унга парвознинг мажбуран кечикканлиги учун бу муддат қанчалигига қараб билет ҳақининг 10 процентидан 25 процентигача қоплама пул тўланади.

— Демак, аэрофлот айби билан вақтида учиб кета олмаган йўловчига аэропорт жарима тўлар экан. Бу йўловчи тортадиган ташвишни бир қадар енгиллатади, албатта. Айни пайтда авиакассалар ишидан ҳамон норозиликлар бўлиб турибди.

— Биламан. Кўпминг кишилик коллективимизда хизмат мансабидан ғайриқонуний фойдаланувчилар ҳам, афсуски, учраб турибди. Ҳаво кемалари ташқи ҳароратга боғлиқ сабабларга кўра, баъзан эса буюртмачи ташкилотлар ишидаги узилишлар оқибатида бортида бўш ўринлар билан учади. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишдаги айрим нопок ходимлар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишади. Шундай нохуш ҳолатларга қарши ҳуқуқ-тартибот органлари билан биргаликда кураш олиб боряпмиз. Бироқ тан олиш керак, бу муаммони узил-кесил ҳал қила олганимизча йўқ. Бу ўринда кенг жамоатчилик ёрдамига таянишимиз керак.

Назаримда, авиабилет сотишдаги салбий ҳолатларни бартараф қилиш, умуман, бу соҳадаги хизмат маданиятини оширишда фан-техника ютуқларидан тўлароқ фойдаланишимизга тўғри келади. Шу мақсадда йил охирига бориб авиабилетлар сотиш ва бронлашнинг автоматлаштирилган системаси жорий этилади. «Сирена—2» деб аталадиган бу система республиканинг ҳамма областларини қамраб олади. Янги система ишга тушгач, авиакассалар олдидаги навбатда туриш муддатлари анча қисқаради. Энг муҳими, мавжуд бўш ўринлар ҳақида реал маълумотни «Сирена-2» айтиб беради, касса билан диспетчерлик хизмати ўртасидаги савол-жавоб барҳам топади. Вақт тежалади.

— Ҳар қандай ҳаракат таянч нуқталарисиз амалга ошмайди. Иқтисодий ислоҳот муваффақиятини таъминловчи омиллар ҳақида нима дея оласиз?

— КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейинги ўтган давр ҳал қилувчи куч сифатида инсон омилини биринчи ўринга чиқарди.

Замон талабларини чуқур тушунган, ҳалол, ишчан, ўз касбининг фидойилари бўлган авиаторлар номини ифтихор билан тилга оламан. В. В. Смирнов командир бўлган Ил-86 кемасининг экипажи вақтдан ютиб, техника ва ёнилғимойлаш материалларини тежаб-тергаб ишлатяпти. Қўқонлик авиатор А. Ю. Қобилов ўн иккинчи беш йиллик планини ўринлатиб қўйди. Командирлардан А. И. Заляутдинов, С. И. Новиковларнинг экипажлари социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди. Туб ислоҳотнинг ҳаракатга келтирувчи кучлари бўлган бундай мутахассислар бошқармамизда кўп.

Ўтган йилнинг натижаларига назар ташласак, самолёт салонларидаги ўринлар бандлиги сезиларли даражада ортганлигини кўрамиз. 1,8 миллион сўм қўшимча даромад олдик. Ишлар ҳажмининг ортишига асосан харажатни кўпайтирмасдан туриб, самолётларнинг юк кўтариш ва йўловчилар сиғимини орттириш ҳисобига эришилди. Таннарх қарийб 3 процент камайди.

Тўла хўжалик ҳисобида ишлашнинг пировард натижаси, умуман туб ислоҳот тақдири инсон омилига боғлиқ. Шу боисдан иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий таянч нуқталари бўлган одамлар тўғрисида ғамхўрликни янада оширавермиз.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири А. АБДУБАННОПОВ олиб борди.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИ

- Ўзбекистон граждан авиацияси янгича шароитда ишламоқда
- Дефолнациядан бўшаган самолётлар иш сўрайди
- Эскирган самолётлар фойдаланишдан чиқариб ташланади
- Бироқ... янгилари ҳозирча берилмайди. Нега?

*

Тошкент область Бекобод районидаги Зафар посёлкасида жойлашган «Гулшан» маиший хизмат кўрсатиш уйининг тикувчиси, район Совети депутати Шаҳриниса Усарова зиммасидаги вазифани виждонан, юксак сифатли адо этиши билан ҳамкасблари ҳурмат эътиборини қозонган. У мураббий тикувчи сифатида кўплаб ёшларни тикувчилик касбига ўргатди.

Суратда: Ш. Усарова ўз шогирдлари билан.

М. Қорабеков фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

«Ҳазорбоғ» совхозида Сурхондарё областида дастлабки томчилатиб суғориш системаси монтаж қилинди. Унинг ёрдамида 50 гектарлик мевазор боғ суғорилади. Бу эса сувдан янада тежамли фойдаланиш, сувчиларни бошқа ишга ўтказиш имконини беради.

Денов қурилиш-монтаж бошқармаси мутахассислари системанинг иккинчи навбатини монтаж қилишга киришдилар. Унинг ёрдамида яна шунча майдонни суғориш мумкин.

●

Паркент районидаги «Бўстон» совхозида янги болалар боғчаси очилди. Боғчани «Ташкентводстрой» трести 4-механизациялашган кўчма колоннасининг В. Кенжикбоев бошлиқ комплекс бригадаси аъзолари бунёд этдилар.

Мазкур механизациялашган кўчма колонна бинокорлари тез ривожланаётган хўжаликдаги бошқа анчагина ишларни ҳам бажардилар. 438 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Горизонтал зовур системаси монтаж қилинди, бир неча шинам коттеж қуриб фойдаланишга топширилди.

●

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-нон заводи реконструкцияси тугалланди. Эндиликда корхона бир кеча-кундузда 35 тонна ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Аъло навли ундан янги маҳсулот — оқ нон тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳар куни савдо тармоқларига 7 тоннадан ортиқ ана шундай нон юборилмоқда. Оқ нон дастлабки кунданоқ харидоргир бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

Мусобақа пешқадамлари

11 январь куни Кремлда меҳнатда жуда катта муваффақиятларга эришган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси пешқадамларига 1987 йилги СССР Давлат мукофоти лауреатлари дипломлари ва фахрий нишонлари топширилди.

ВЦСПС раиси С. А. Шалаев мукофотларни топширар экан, барча тармоқлардаги қўплаб корхоналар хўжалик юритишнинг янги шароитларига, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтган, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун амал қила бошлаган ва қайта қуришнинг иккинчи — ҳал қилувчи босқичи бошланган кезда лауреатларнинг коллектив тажрибаси ниҳоятда зарур, деб таъкидлади.

Лауреатлар ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун КПСС ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар ва бутун куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини партия қўйган вазифаларни бажаришга сарфлашларини айтдилар.

(ТАСС).

ТАБИАТ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ—ҲАММА УЧУН ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДАН

Комиссиянинг республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков раҳбарлигида Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси давомида қарор лойиҳаси текстига жиддий тузатишлар киритилди. «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Р. А. Шахназаровга ишончсизлик билдириш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бир неча йиллар давомида кўпол равишда такрор-такрор бузиб келганлиги учун уни вазифасидан бўшатиш тўғрисидаги таклиф билан СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигига мурожаат этишга қарор қилинди.

Бирлашма раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида Тошлоқ районида юз берган ташвишли аҳвол сабр косасини тўлдириб юборди: нефть маҳсулотларининг муттасил оқиб ётиши натижасида бу ерда одамлар сув олиб ичадиган барча қудуқлар ишдан чиқди. Булғатилган ер ости сувларини ўз вақтида тўсиш ва уни тарқатмаслик чоралари кўрилмади. Бирлашма лойиҳа тузиш учун текшириш ишларини бошлаб юборишига бир ярим йил вақт кетди.

Фарғона водийси атрофидаги кенг доирада ер ости сувлари муттасил булғатилганлиги шунга олиб келдики, барча сув олиш иншоотлари санитария талабларига жавоб бермайдиган бўлиб қолди. Бу ерда ўткир экологик вазият вужудга келганлигининг асосий айбдорлари нефть химиклари билан бир қаторда Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси фуранли бирикмалар химия заводи, Фарғона иссиқлик электр станциясидир. Ана шу корхоналарнинг ҳаммасида эскириб, шалоғи чиққан ҳамда маънавий эскирган тозалаш ускуналари ва воситаларидан фойдаланилмоқда. Уларни алмаштириш ёки фойдаланишдан чиқариб ташлаш йилдан-йилга пайсалга солинмоқда. Иттифоқ ва республика министрликлари ана шу мақсадлар учун ажратаётган маблағлар етарли эмас, бироқ бу маблағлар ҳам ўз вақтида ўзлаштирилмаяпти. Корхоналар ва идораларнинг раҳбарлари экология муаммоларини ҳал этишдан қайсарлик билан ўзларини четга олмоқдалар, табиатни муҳофаза қилиш органлари тавсияларини менсимаётирлар.

Ҳаво, сув ва тупроқдаги заҳарли чиқитлар миқдори ҳали ҳам йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан кўп марта ортиқ. Бу эса одамларнинг турмуш шароитига салбий таъсир қилмоқда, турли касалликларга чалиниш даражаси муттасил юқори бўлиб турганлигининг асосий сабабларидан бири бўлиб, аҳолининг жуда кўп ҳақли эътирозларини келтириб чиқармоқда.

Фарғона область ижроия комитетининг раҳбарлари ҳам бу ишда пассивлик қилмоқдалар, назорат ўрнатмаганлар ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни бузувчиларга нисбатан талабчан бўлмаётирлар. Комиссия Фарғона атрофидаги районда экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун қисқа муддатда амалий тадбирлар кўрмаётган шахсларга нисбатан ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйишга қадар энг қаттиқ чора кўришни ёқлаб чиқди. Бу ҳақда тегишли иттифоқ ва республика идоралари огоҳлантириб қўйилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу иш қониқарсиз олиб борилаётганлиги, республикада экологик вазиятни яхшилашга кўмаклашмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Хўжаликлар ва агросаноат комплекси корхоналари раҳбарларининг табиатга нисбатан истеъмолчилик муносабати, интизомсизлиги ва масъулиятсизлиги, давлат агросаноат комитети тармоқ, область ва район бўлинмаларининг контрол қилмаслиги қонунчиликнинг қўпол бузилишига олиб келмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун ажратилаётган капитал маблағ мунтазам ўзлаштирилмай қолмоқда. Хўжаликлар заҳарли химикатлар ва минерал ўғитларни сақлаш, ташиш ва фойдаланиш қоидаларига амалда риоя қилмаётирлар. Тупроқни муҳофаза этиш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайтадан ўзлаштириш масалаларига эътибор берилмаяпти.

Республика Давлат агросаноат комитети коллегиясига бу масалаларни сира кечиктирмай муҳокама қилиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини тубдан яхшилаш учун конкрет чоралар кўриш таклиф этилди. Беш йиллик охиригача иллос сувларни сув ҳавзаларига оқизишни бутунлай тўхтатиш, зарарли моддалар ҳавога чиқариб юборилишини кескин камайтириш зарур. Комиссия табиатдан фойдаланиш қоидалари ҳар қандай даражадаги раҳбар учун мажбурий эканлигини, бу қоидаларни менсимайдиган кишилар вазифасидан бўшатишга қадар қатъий жавобгарликка тортилиши лозимлигини таъкидлади.

(ЎзТАГ).

Ўз мухбиримиз колонкаси

АЛДОВ

«Правда»ннинг мухбирлар пунктига Тошкент область Киров қишлоқ Советидаги 1-мактабнинг юқори синф ўқувчилари кириб келишди:

— Нима учун бу йил ҳам бизнинг қишки таътилимизни уч кунга қисқартиришди! Нима учун биз шаҳарлик ўқувчиларга қарагандa барвақтроқ ўқишни бошлашимиз керак! Баҳорги таътилни ҳам қисқартиришади. Ахир, ёзда раҳбар ўртоқлар овозларининг борича: бундан буён ўқишларингиз нормал давом этади, каникулларингиз ҳам ҳамма ўқувчиларникидек бўлади, деб ваъда беришганди-ку! Улар ваъдаларига нега вафо қилишмади!

Тўғри, ўтган йилнинг августида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида 1987 йилдан бошлаб ўқувчиларни пахта теримига жалб этмаслик тўғрисида яқдил фикрга келишган эди. Республиканинг барча газеталари энг кўринарли жойларда «Пахта теримини ўқувчиларсиз ўтказамиз!» деб ёзишди. Каттакатта муаммоларнинг бутун бошли тугуни ечилди. Уларнинг энг асосийси шундан иборат эдики, эндиликда ўқувчилар яхшироқ ўқиш, ўқув программасини тўла ўзлаштириш, тажриба участкаларида кўпроқ шуғулланиш, деҳқончилик ва чорвачилик асосларини эгаллаб бориш имкониятига эга бўладилар.

Бироқ ноябрнинг ўрталарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пахта теримига юқори синф ўқувчиларини жалб этишга қарор қилди. Аҳвол борган сари жиддийлашди. Маҳаллий партия ва совет органларининг талаби билан Қорақалпоғистонда, Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Наманган, Тошкент ва Сурхондарё областларида 7-синфларнинг ўқувчилари ҳам дарсларни тўхтатган ҳолда пахта теримига жалб этилди.

Республика районларининг асосий кўпчилигида теримга чиққан ўқувчилар маиший шароитини, овқатланиши ва меҳнатини ташкил этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Болалар қонда зарикасида санитария, гигиена ва ёнғинга қарши хавфсизликнинг энг оддий нормаларига риоя қилмаган ҳолда жойлаштирилди. Фориш районининг ўқувчилари «Пахтакор» совхозининг гиштин омборхонасида сиқилиб жойлашишди. Унинг деворлари ва эшикларида катта-катта тешиклар бўлиб, пахта тозалангандан кейин ҳосил бўлган чанг ва ахлатлар ичиладиган сув ва овқатга тушарди.

Кўпгина болалар даланинг ўзида, қолганлари уйга қайтишдан кейин касалликларга чалинишди. Республика прокурори Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш билан боғлиқ ғайриқонуний ишлар тўғрисида ахборот йўллади. Бироқ бу тақдимнома ҳали қараб чиқилгани йўқ.

Мазкур ходимлар нима учун ўз сўзларининг устидан чиқишмади! Ахир, республика агросаноат комплекси ихтиёрида катта ёшдаги ишга яроқли одамлар етарли-ку!! Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳосил учун ишлашмасди. Шу нарса ҳеч ким учун сир эмаски, кўпгина хўжаликларда дала ташвишларини эркаклар хотин-қизлар, ўсмирлар ва ҳатто мўйсафидлар елкасига ортиб қўйишган. Ўзлари эса ҳар кузни бозорларда, оилавий тантаналарда ўтказадилар, уй-жойларини созлайдилар, томорқа участкаларига ишлов берадилар. Тўғри, ўқувчиларни теримга отлантириш ғоят осон: халқ маорифи бўлимларига кўрсатма бердингми, болаларни автобусларга ўтқазишади. Жойларда катта ёшдаги кишиларни теримга сафарбар этиш учун эса анчагина иш қилиш лозим. Партия ва совет органлари бу масала билан шуғулланишни хоҳлашмайди.

Оқибатлар тўғрисида гапириш оғир. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмий-текшириш институти социологик тадқиқотлар ўтказди.

— Маълум бўлишича, ўқувчиларимиз ўн эмас, балки етти-саккиз йил ўқишар экан, — ҳикоя қилади шу институт директори Т. Сандбоев. — Битирувчилар чаласавод бўлиб қолишади. Кўпинча ёш йигит-қизлар рус тилини билишмайди. Ўз она тилларида шариллатиб ўқиб, саводли ёза олишмайди. Чақирилувчилар армия хизматига ёмон тайёрланган.

Бундан етадиган маънавий зиёнчи! Одамлар ҳаётимизда туб ўзгаришлар мумкинлигига ишонишлари учун ҳар бир киши ўз ваъдасини бажара олиши керак. Республика Компартияси Марказий Комитети ўзининг ноябрдаги қарори билан мана шу ишончга путур етказди.

В. АРТЕМЕНКО.
(«Правда» мухбири).
Узбекистон ССР.

(«Правда», 1988 йил, 12 январь).

• *Ғоявий кураш жабҳаларида*

БЎҲТОН ВА ҲАҚИҚАТ

Ҳозирги вақтда капиталистик пропаганда оламида «Инсон ҳуқуқи» деган масалани тез-тез ўртага қўйиб, рўкач қилинадиган бўлиб қолди. Ғарб кишисининг онгини чалғитувчи бу ибораниг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Зеро, етмишинчи йилларда капиталистик мамлакатларда социал низолар ўсди, ишчилар синфи ўзининг турмуш даражасини ошириш, тинчлик ва демократия учун, меҳнат қилиш ҳуқуқи, яшаш учун, ўқиш ва медицина хизматидан баҳраманд бўлиш учун кенг кураш олиб борди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тараққиёт ва демократия кучлари ҳамда прогрессив тенденцияларга қаршилик кўрсатувчи ва эскиликка ёпишиб олган реакция ва консерватизм кучлари ўртасидаги шиддатли кураш авж олди. Илгарилари социал тараққиёт учун курашнинг асосий қисмини ишчилар синфи ташкил этган бўлса, эндиликда бу ҳаракатга хизматчилар ва зиёлилар ҳам қўшилди. Бу билан монополияларнинг ҳукмронлигини чеклашга қаратилган ягона антимонополистик фронтни вужудга келтириш учун асос яратилди.

Айни вақтда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида миллий-озодлик революциялари тез суръатлар билан ривожланди. Вьетнам халқи Америка империализмига қақшатқич зарба берди ва социалистик республикани барпо этди. Эфиопия, Ангола, Мозамбик, Афғонистон, Никарагуада халқ революциялари ғалаба қозонди. Бир қанча мамлакатларда социалистик қурилиш йўлидан бориш истагини билдирган авангард партиялар вужудга келди.

Жаҳон социалистик ва антиимпериалистик ҳаракатининг тезлашувига жавобан, етакчи капиталистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари «эркинлик», «инсон ҳуқуқи» деган абстракт формулаларга асосланган кенг идеологик пропагандасини бошладилар. Капитализм янги шароитларга ва халқларнинг чинакам эркинлик ҳақидаги талабларига мослашолмай, «эркинлик» тушунчасини капиталистик маънода тарғиб қилишга киришди. Бу сўзнинг маъноси шуки, у хусусий корхона эркинлигини, ишчи кучини сотиб олиш ва еллаш, ривожланаётган мамлакатларнинг халқларини эксплуатация қилиш, бойларнинг камбағалларни талаш эркинлигини, ҳар хил найранглар билан ва биржа чайқовчилиги орқали бойлик тўплаш эркинлигини билдиради.

«Эркинлик» ва «инсон ҳуқуқи» масаласи бўйича ғоявий-пропагандистик кампания 1977 йилда АҚШ президенти Картер томонидан бошланган эди. Бундай кампанияни ўтказишда президент баъзи бир шахсий манфаатларни ҳам кўзлаган эди. Чунки у мамлакатни ривожлантириш борасида бирон бир янги ғоя тополмаганлигидан, сергевга кампания — 1980 йилда яна тўрт йилга Оқ уйда қолиш имконини беради, деб умид қилган эди. Шу билан бирга, капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ва пропаганда марказларининг раҳбарлари СССР-га ва прогрессив жаҳон жамоатчилигига қарши пропаганда урушида қандайдир ютуқларга эришиши, бунда «инсон ҳуқуқи» ва «гражданлар эркинлиги» масаласига урғу бериб, уни эмиграция эркинлиги, Советларга қарши уйдирмалар ва ёлғон-яшиқларни тарқатиш эркинлиги масаласига айлантирмоқчи бўлдилар.

— Эмиграция эркинлиги, — деб даъво қилишди улар, — Ғарбнинг устунлиги ва социализмнинг иллатларини кўрсатади. Улар Ғарб «эркинлиги»дан социализмнинг обрўси ва нуфузи ошиб боришига қарши курашда товар сифатида фойдаландилар. Уларнинг бутун ҳаракати «парламент демократияси» деган инглиз-саксон системасини оммалаштиришга ҳамда социалистик мамлакатлардаги демократия ва эркинликни бадном қилишга қаратилди.

Бу хусусдаги мунозараларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқидан эмиграция қилиш эркинлиги ҳақидаги масалага, «диссидентлар» масаласига боғлиқ қилиб қўйиларди. Ҳамма халқаро кенгашларда Ғарб нотиқлари Ғарб «эркинлигини» мақтаб, социалистик мамлакатлардаги конституцион тартибларни бузиб кўрсатувчи зерикарли сиёсий лекцияларга зўр бердилар. Совет Иттифоқининг халқаро муносабатларни яхшилаш, қурол-яроғлар пойгасини чеклаш ҳақидаги таклифларига Ғарб мамлакатлари вакиллари аввало «инсон ҳуқуқлари», яъни Совет Иттифоқидан эмиграция қилиш эркинлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилайлик, қолганлари кейин бўлаверади, аввало Совет Иттифоқидан эмиграция қилиш тартибини ўзгартиринг, кейин қуролсизланиш ва иқтисодий масалалар ҳақида гаплашамиз, деб бир хил жавоб бердилар.

Инсониятнинг омон қолиш масаласи хусусий тартибдаги масалалар билан боғланаётган, кенг маънодаги масала — икки буюк давлат — Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш масаласи Совет Иттифоқидан эмиграция қилиш тартибига боғлиқ қилиб қўйилишига, жаҳон миқёсидаги актуал масалаларни ҳал қилишга бундай ёндашиш прогрессив Америка жамоатчилигининг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлди. Унинг вакиллари «эркинлик» ва «гражданлар эркинлиги» тушунчасини шу тарзда талқин қилишга қарши чиқдилар. Шу муносабат билан АҚШнинг Орегон университетининг профессори Ал Шиманскининг 1984 йилда Англияда чоп этилган «Совет Иттифоқида инсон ҳуқуқи» китоби катта қизиқиш тугдиради. Асар муаллифи АҚШдаги рангли аҳолига гражданлик ҳуқуқлари бериш учун фаол курашчи ва Америка гражданлар ҳуқуқи иттифоқининг аъзосидир.

Ал Шимански АҚШ ва СССРда инсон ҳуқуқлари ва гражданлар эркинлиги аҳволини жуда катта материалда бир-бири билан қиёслайди. Натижада у СССР гражданлари АҚШ гражданларига нисбатан катта ҳуқуқларга эга, деган хулосага келади. Муаллиф бу ўринда, аввало, «гражданлар эркинлиги» терминини аниқ белгилаб олиш масаласини қўяди ва эркинликнинг икки категорияси бор, яъни **чекланмаган шахсий эркинлик**, давлат, жамият назоратидан ҳоли бўлган, бошқаларнинг истаклари ва эҳтиёжларини ҳисобга олмайдиган юзаки **эркинлик** ҳамда жамиятдаги ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш имконияти даражасини, миллатларнинг ҳуқуқларини, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш, иш билан таъминлаш, социал таъминот даражасини белгиловчи реал эркинлик бор, деган хулосага келади.

Буржуа жамияти юзаки эркинликни эълон қилади. Уни амалга ошириш инсоннинг моддий бойлиги даражасига боғлиқ, яъни унинг пули қанчалик кўп бўлса, у шунчалик эркин, моддий аҳволи қанча бақувват бўлса, унинг шу юзаки эркинликдан фойдаланиш имкониятлари ҳам шунча кенгдир. Ҳукмрон синф гражданлар эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари даражасидан кўпроқ фойдаланади, ўз мамлакати сиёсатини ишлаб чиқишга шунчалик катта таъсир кўрсатади. Социалистик жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий эгалик қилиш, хусусий мулкчиликнинг ва ҳукмрон синфларнинг йўқлиги кенг халқ оммаси учун инсон ҳуқуқлари даражасидан кўпроқ фойдаланади, ўз мамлакати сиёсатини ишлаб чиқишга шунчалик катта таъсир кўрсатади. Социалистик жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий эгалик қилиш, хусусий мулкчиликнинг ва ҳукмрон синфларнинг йўқлиги кенг халқ оммаси учун инсон ҳуқуқлари ва гражданлар эркинлигини максимал даражада амалга ошириш таъминланган.

Шу муносабат билан Ал Шимански бу масалани уч аспектда — иқтисодий ҳуқуқлар, озчиликни ташкил этган миллатлар ҳуқуқини ва хотин-қизлар масаласининг ҳал қилинишини таклиф этади. Муаллифнинг фикрича, худди шу уч масала жамиятда гражданлар ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқини амалга ошириш даражасини белгилаш учун мезон ишлаб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. «Асосий иқтисодий ҳуқуқлар деб ёзади у, — овқатланиш, иш билан таъминланиш, барқарор турмуш даражаси, корхонанинг иқтисодий масалаларини ҳал этишда қатнашиш, медицина хизмати ва халқ маорифидан баҳраманд бўлиш, оқилона чегараларда замонавий уйжойга эга бўлиш ва меҳнат қобилиятини йўқотганда етарли пенсия таъминотига эга бўлишни ўз ичига олади». Бу ҳуқуқлар, деб тасдиқлайди муаллиф, ҳатто энг ривожланган АҚШ ва Японияни ҳам қўшганда бошқа ҳар қандай Ғарб мамлакатларига нисбатан СССРда тўла ва анча кенг амалга оширилган. Шу ўринда СССРда реал иш ҳақининг тобора ўсиб боришини ва унинг АҚШда камайиб боришини ҳамда шунга ўхшаш кўпгина фактларни келтиради.

Америка профессори СССРдаги миллий республикаларнинг аҳолиси ва АҚШдаги рангли аҳоли аҳволини қиёслашга алоҳида эътибор беради ва бу сохта ва юзаки эмас, балки реал эркинликларнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир, деб таъкидлайди. «Совет Осиёси, — деб ёзади у, — илгарилари жуда қашшоқ ва саноат жиҳатидан ривожланмаган эди, кейинчалик Совет ҳокимияти даврида тез вақт ичида индустриалштириб, турмуш даражаси жиҳатидан Жанубий Европа мамлакатлари даражасига етиб олди.

Орегон университетининг профессори шуни кўрсатганки, бутун мамлакатда иш ҳақининг ягона даражаси белгиланган ва саноатда ҳақ тўлашда ҳеч қандай тафқирлаш йўқ. Бу ҳол ҳам европалик, ҳам осиёлик ишчиларнинг аҳволини баравараштиради. Айни вақтда бутун Совет Иттифоқида бир хил бўлган социал таъминот бўйича тўловлар, кексалар учун пенсия таъминоти, бепул халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш Ўрта Осиёда турмуш даражасини оширади. Шу муносабат билан Ал Шимански таъкидлашича, АҚШда рангли ва оқ танли аҳолининг меҳнатига ҳақ тўлашда дискриминация бор, корхоналарда негр аҳолисининг манфаатлари камситилади ва ниҳоят ривожланган ва ривожланмаган штатлар ўртасида социал таъминот мавжуд қора рангли аҳолини жамиятнинг ҳуқуқсиз қисмига айлантиради. Ва улар учун гражданлар ҳуқуқи шунчаки гап, холос.

Муаллифнинг қайд қилишича, бундай кескин фарқ икки система, икки жамият, икки хўжалик системаси ўртасидаги чуқур фарқни кўрсатади. СССРда шундай хўжалик системаси таркиб топганки, у илгари қолоқ бўлган халқларга тарихан қисқа муддат ичида иқтисодий ва маданий тараққиёт жиҳатидан илгор халқларга етиб олишда катта ёрдам берган. Ал Шимански бу ўринда СССР Европа қисмининг Ўрта Осиё республикаларини индустриалаштиришда берган ёрдамини, иккинчидан, бошқа республикаларга нисбатан уларнинг умумиттифоқ бюджетига камроқ ҳисса ажратишини, учинчидан, узоқ вақтлар давомида Ўрта Осиё корхоналарида оборот солиғи умумиттифоқ оборот солиғидан ярмига кам бўлганлигини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Шундай қилиб, бу ўринда гап анча конкрет тус олади. Натижада Ўрта Осиё республикаларининг аҳоли жон бошига харажатлар умумиттифоқдагига нисбатан анча юқори бўлган.

Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни — инсон ҳуқуқи ва граждан эркинлигини амалга оширишнинг жуда муҳим кўрсаткичидир. Ал Шимански ҳудди шу соҳада социализм ўз принципларини яққол намоён этди, деб кўрсатади. Унинг таъкидлашича, хотин-қизларнинг озод қилиш партия ва давлат сиёсати марказида бўлиб, беқиёс катта самаралар берганки, бутун инсоният бу билан фахрланмоғи лозим. Совет ҳокимияти қизларни эрта ёшда мажбуран турмушга чиқаришга, қалин олишга, аёлларни ичкарида ва паранжида сақлашга қарши кескин кураш олиб борди, Нихоқ тенг ҳуқуқлилик асосида тузиладиган бўлди. Совет Ўрта Осиёсида хотин-қизлар тарихда биринчи марта эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлдилар. Китобда «Ҳужум» ҳаракати чуқур таҳлил қилинган ва унга хотин-қизлар масаласини энг одилона ҳал қилиш намунаси деб баҳо берилди. Асарда келтирилган конкрет фактлар бу манзара АҚШда тамомила тескари эканлигини кўрсатади. Инсон ҳуқуқи ва граждан эркинлигига ҳар қандай даъволар Ўрта Осиё республикаларидагига нисбатан тамомила пучдир. Чунончи, Ўзбекистонда судларда ишловчиларнинг 18 процента аёллар бўлса, АҚШда бу рақам атиги 3 процентни ташкил этади. Илмий даражага эга бўлган ўзбек хотин-қизлари АҚШнинг бутун қора танли аҳолисига ва негр хотин-қизларига нисбатан 6 процент кўпдир. Олий ўқув юртларида ўзбек қизлари барча студентларнинг 33 процентини ташкил этса, АҚШда негр қизлари университет студентлари орасида бармоқ билан санарлидир.

Ҳозирги вақтда хорижий мамлакатларда мамлакатимиз тарихи ва ҳозирги аҳволининг турли томонларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бутун дунёда капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ва буржуа оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз ҳақидаги ҳақиқатни бузиб кўрсатиб, кўплаб оддий кишиларни чалғитмоқчи бўлмоқдалар. Фактлар ўжар бўлади, улар билан ҳисоблашишга тўғри келади. Совет даврлари жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга, инсониятнинг моддий ва маънавий тараққиётига жуда катта ҳисса қўшди. Совет экономикаси ва сиёсий системаси фақат социализм шароитининг чинакам эркинлигини таъминлай олишини, инсонга чинакам ҳуқуқларни гарантиялашини амалда исботлади. Шу жиҳатлар Америка профессорининг китобида далиллар билан исботланган.

Ал Шимански АҚШда мавжуд тузумга қарши уюшган ҳолда оппозицияда турган кўринишлари қаттиқ бостирилганлигини кўрсатган. Шуни айтиш керакки, капиталистик тузум сўз, йиғилишлар эркинлигига, яъни система учун хавф туғдирадиган, осонлик билан бартараф этиш мумкин бўлган эркинликларга йўл беради. Оммавий ахборотнинг кўпчилик воситалари йирик монополиялар қўлида ва амалда оммавий йиғилишлар ўтказиладиган биноларнинг ҳаммаси ҳам ўшалар ихтиёрида. Бундан ташқари транспорт ва меҳмонхоналарнинг нархи баландлиги турмуш даражаси ўта қамтарона бўлган кишилар учун катта йиғилишлар ўтказиш имконини бермайди. Шу билан бирга, келажакда ўзини сиёсий оппозициядан халос қилиш учун Америка реакцияси ўзининг зарбдор ташкилотларини тузган. Ҳозирги вақтда Америка регионида бир миллион киши бор. Куклуксклан аъзолари 4,5 миллион кишини ташкил этади.

Америка матбуотида ломмим дейилмайдиган ана шу фактларни эслатиб, Ал Шимански шуни таъкидлайдики, АҚШда инсон ҳуқуқи ва граждан эркинлиги бекор гап. Бинобарин, ғоявий мухолифларимиз, Американинг оммавий ахборот воситалари бу масалада бошқа халқларга нисбатан ҳакамлик қилолмайдилар.

Ал Шимансининг китоби АҚШда эмас, инглиз нашриётида чоп этилди. Китоб АҚШда катта норозилик туғдирди. У «иғвогарлик» асари деб баҳоланди. Америка оммавий ахборот воситаларига аслида бу китобнинг нимаси ёқмади? Аслида гап шундаки, асар муаллифи совет кишиларининг инсоний ҳуқуқи ва граждан эркинлиги АҚШдагига нисбатан беқиёс даражада катта эканлигини фактлар асосида исботлаган.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг яқинда АҚШга визити чоғида илмий ва маданий ҳамкорлик, кишилар ўртасидаги алоқаларга доир шартномалар ҳам тузилди. Бу ҳол бир-бирларимизни яхши тушуниб етиш ҳамда орадаги тўсиқларни бартараф этиш имконини беради.

Визит чоғида ўртоқ М. С. Горбачевнинг кўпдан-кўп учрашувларида ва америкаликларнинг хатларида мамлакатимизда қайта қуришга доир кўпдан-кўп саволлар берилди. Бу ҳол мамлакатимизда юз бераётган қайта қуриш йўлидаги революцион ўзгаришлар бутун жаҳон учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Халқаро империализм ва антикоммунизмнинг маддоҳлари бир вақтлар темир парда деган гапни тўқиб чиқарган эдилар. Худди шунингдек совуқ уруш музлари ҳам ёрила бошлади. Океан ортида реализм кучлари, соғлом кучлар ўсмоқда. Улар тинчлик, демократия ва тараққиёт душманларини жиловлай оладилар ва бу билан бутун дунёда ялпи тинчликни, барча халқларнинг қадр-қиммати, суверенитетини ҳурматлашга асосланган тинчликнинг қарор топишига эришадилар.

Г. ҲИДОЯТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Халил Аҳмедович РАХМАТУЛИН

Таниқли совет олими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, 1939 йилдан КПСС аъзоси, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг профессори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Халил Аҳмедович Рахматулин 1988 йил 10 январь куни 79 ёшида вафот этди.

Х. А. Рахматулин 1909 йилнинг 23 апрелида Қирғизистон ССРнинг Тўқмоқ шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1928 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг ўқитувчилигидан бошлади, у айни пайтда 1931 йилгача шу университетда ўқиди. Шундан кейинги йилларда Москва давлат университети механика-математика факультетини битириди, аспирантурани тугатиб, аэродинамика лабораториясининг доценти, мудири бўлиб ишлади, газ ва тўлқин динамикаси кафедрасининг профессори ва мудири бўлиб хизмат қилди. 1947—1957 йилларда у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси, техника фанлари бўлимининг раиси қилиб сайланди.

Механика соҳасида йирик олим бўлган Х. А. Рахматулин шу соҳанинг муҳим йўналишлари — эгилувчан, пластик муҳитларда тўлқинларнинг тарқалиши динамикасини, қўндаланг зарба назариясини, замин ва газ динамикаси, парашют назариясини, ўтказувчан жисмлар аэрогазодинамикасини, кўп фазали системалар гидро ва аэродинамикасини ривожлантирди. Унинг раҳбарлигида бир қанча муҳим амалий вазифалар ва турли муҳитлар механикаси ва динамикасининг татбиқлари ҳал этилди, булар Улуғ Ватан уруши йилларида ва тинч даврда кенг қўлланилди. Эгилувчан-пластик тўлқинлар назарияси унинг номи билан аталди. Х. А. Рахматулин 200 дан кўпроқ илмий асарлар ва ихтироларнинг муаллифидир. У 220 дан кўпроқ фан докторлари ва кандидатларига устозлик қилди.

Х. А. Рахматулин илмий ва педагогик фаолиятни катта ташкилотчилик ва жамоат иши билан муваффақиятли тарзда қўшиб олиб борди. У бир қанча халқаро ва Бутуниттифоқ илмий жамиятлари, проблематик кенгашлар ва журналлар редколлегиялари аъзолигига сайланган эди.

Партия ишига садоқат, илм-фанга беминнат хизмат, актив гражданлик позицияси ва одамларга меҳрибонлик Х. А. Рахматулинга хос бўлган хислатлар эди.

Партия ва ҳукумат Х. А. Рахматулининг илмий, педагогик ва жамоатчилик фаолиятини юксак баҳоладилар. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди, тўртта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» ордени лари билан тақдирланган эди. У икки марта СССР Давлат мукофотига, СССР Министрлар Советининг мукофотига, М. В. Ломоносов номидаги мукофотга, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига, РСФСРда ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби фахрий унвонларига сазовор бўлган эди.

Ватаннинг содиқ фарзанди, олим ва ажойиб инсон — Халил Аҳмедович Рахматулининг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Н. И. Попов, К. Саликов, М. Х. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, И. Б. Усмонхўжаев, В. В. Сударенков, П. Қ. Ҳабибуллаев, М. С. Салоҳиддинов, Н. Т. Тўхлиев, О. В. Лебедев, Т. Рашидов, З. Салимов, Э. Юсупов, А. Д. Глушченко, В. Қ. Қобулов.

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозда пахтачиликнинг йил сайин юксалиб бориши таъминланмоқда. Хўжалик аъзолари қатор йиллардан бери об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар барқарор юқори ҳосил олишга эришаётирлар. Масалан, ўтган йили табиат ноқулайликларига қарамай давлатга 5543 тонна «оқ олтин» топшириб планнигина эмас, социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардилар.

Эришилаётган муваффақиятларнинг боиси барча агротехник тадбирларни ўз вақтида юқори сифат билан бажаришга ҳаракат қилаётганимизда, — дейди колхоз раиси У. Умаров. — Ҳозир қиш бўлишига қарамай ерларни текислашни авж олдиряпмиз. Агар ер текис бўлсагина ғўза парваришини намунали уюштиришга эришиш мумкин.

Ҳа, ҳозир хўжалик далаларида мўл ҳосилга тайёргарлик ишлари зўр уюшқоқлик билан давом этяпти. Колхоз мелиораторлари ер текислаш ишларининг сифатли адо этилишини таъминлашга ҳаракат қилишаётир.

Суратларда: колхоз раиси У. Умаров (ўнгда), бульдозерчи Д. Йўлдошев ва ер текислаш пайти акс эттирилган.

Л. Гусейнов фотолари.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Задарё районидаги «Гулбоғ» совхози чорвадорлари юбилей йилини муваффақиятли якунладилар. Ҳар бир сигирдан 3000—3400 килограммдан сут соғиб олинди. Давлатга 394 тонна гўшт сотилди.

Айни кунларда улар чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш учун курашмоқдалар. Сигирларни ширали, сервитамин озуқалар билан боқиш ва яхши парвариш қилиш тўғрисида файли қишда ҳам маҳсулдорлик камаймаяпти.

Фотима Ҳамдамова, Тожихон Маматова, Тошхон Ботирова сингари сигир соғувчилар кўпчиликка ибрат бўлишмоқда. Молбоқарлардан Т. Солибоев, З. Ашуров, Қ. Эрматовлар ҳар бир қорамолнинг суткасига 400—500 граммдан семиришига эришмоқдалар.

Б. МАҲМУДОВ.

ЎРНАК КЎРСАТИБ

Баҳористон районидаги С. Муродов номли совхозда Раҳмон Имомов номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.

Улуғ Ватан уруши ветерани меҳнатда ҳам намуна кўрсатяпти. У ўтган йили ўзининг оилавий пудрат бригадаси аъзолари билан биргаликда пахтадан мўл ҳосил етиштирди. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» териб олиниб, хирмонга 200 тонна хом ашё тўкилди. Бригада аъзолари айни кунларда қишки ишларни амалга оширишяпти. Жумладан, ариқ ва зовурларни тозалаш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш ишлари қизғин олиб бориляпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили мўл ҳосилига пухта замин яратиш миришкорларнинг эзгу ниятидир.

Я. РАСУЛОВ,
жамоатчи мухбир.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ҚАРШИ ЧЎЛИ ГЎЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН

Ихтисослашган «Шелковод» совхозининг коллективи тут кўчатларини одатдагидан барвақт реализация қилишга киришди. Кўчатларнинг дастлабки юз мингтаси Ғузор райони хўжаликларига жўнатилди.

Ўрмон ходимлари ўз олдиларига муҳим вазифани — областда тут дарахтининг энг қадимги «балҳтут» ва «шотут» навларини кенг тарқатиш вазифасини қўйдилар. Бу навлар қурғоқчил иқлимга яхши мослашган бўлиб, уларнинг барглари эса оқсилга бой. Сўнгги вақтларда бу навлар йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолди. Айни вақтда хўжаликда тут дарахтининг шўрхок ерларда ўсадиган бошқа истиқболли 14 та нави қаламчалари ўстирилмоқда. Бу дарахтлар Қарши чўлини қўқаламзорлаштириш билан бирга шамолга қарши мустаҳкам ихотага айланади ҳамда пилла-чилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлайди.

Шу йилнинг ўзидаёқ областдаги тутзорлар 100 гектар кенгайтирилади. Бу мақсад учун «Шелковод» совхозида қимматли дарахтнинг уч миллиондан ортиқ кўчати тайёрланди.

ОБЛАСТЬ РЕМОНТЧИЛАРИ УЧУН

Андижон областининг қарийб барча хўжаликларини Балиқчи район ремонт-ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари қишлоқ хўжалик машиналари ремонти учун ноёб деталлар билан таъминладилар. Улар ўз корхоналарида пластмасса буюмлари тайёрлайдиган ярим автоматларни ўрнатиб, чигит сеялкалари учун втулкалар, пуркагичлар учун роликлар ва жами 20 номдан ортиқ бошқа деталларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Айни вақтда бу ерда резина халқалар ва манжетлар ишлаб чиқаришни, плугларнинг тиргаклари ва отвалларини таъмирлаш ишларини бошлаб юбордилар. Натижада районнинг барча хўжаликларида бутун экиш техникаси ремонтдан чиқарилди. Йиғим-терим агрегатларини муддатидан барвақт тахт қилиб қўйишга қарор берилди.

(ЎзТАГ).

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Йўлга чиқишингиз билан чемоданингизнинг қулфи бузилиб қолса ёки унинг бирор ери тимдаланса ёхуд тугмачангиз узилиб кетса, майда бўлса-да бу ташвишдан кўнглингиз ғаш тортади, кайфиятингиз бузилади. Қаерга боришингизни билмай бошингиз қотади. Тошкент марказий вокзалида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш комплекси очилди. Бу ерда йўловчилар поезд жўнашига бир соат вақт қолгунга қадар чемоданларини тузатиб олишлари ва бошқа майда-чуйда ишларни бажаришлари мумкин.

Темирйўлчилар учун юз квадрат метр майдонга эга бўлган бу комплекснинг нима кераги бор экан? Ахир, бундай хизмат уларнинг вазифасига кирмайди-ку?

— Хўжалик юритишнинг янги системаси бу ишларга янгича ёндашувни талаб этмоқда, — деди Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими бошлиғи Е. Курочкин. — Тахминий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, бир қарашдаёқ биз назарга илмайдиган ишлар жуда катта фойда келтириши мумкин экан. Чунки, арзимаган нина-ип ёки шунга ўхшаш бирор асбоб бўлса, ҳар бир киши ўз кўнглини ғаш қилиб турган ишларни бажариб олиши мумкин экан. Табиийки, поездга шошилаётган киши навбат кутиб турмайди. Биз ана шундай шошилинчдан ҳамда ноқулайликлардан одамларни халос этмоқчи бўлдик. Бундан айни вақтда ўзимиз ҳам фойда кўрамиз.

(ЎзТАГ).

● ЁШЛАРНИНГ ТЕХНИК ИЖОДИЁТИ

ИЗЛАНИШ ИЛҒОРЛИККА ЭЛТАДИ

Фан-техника тараққиётининг ҳозирги жадал суръатлари ишчилардан инженер даражасида билим ва кўникма талаб этади. Бинобарин, замонавий ишлаб чиқариш мураккаб жараёнларни автоматлаштириш ва механизациялаштиришга, электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишга тобора кўпроқ асосланмоқда. Ҳунар-техника билим юртларида талабаларнинг техник ижодкорлигини кучайтириб, бу истиқболли ишни мумкин қадар кўпроқ рағбатлантириб боришга алоҳида эътибор берилаётганлиги боиси ҳам шунда.

Республикамизда чуқур билим бериш, бадиий ижодиёт, физкультура ва спортни ривожлантириш, меҳнат тарбияси қатори техник ижодкорлик кўламини кенгайтиришга ёшларни ҳар тарафлама камол топтириш воситаси, омили деб қараляпмоқда. Хусусан, билим юртларимизда кейинги пайтларда техника иштиёқмандлари учун керакли ҳамма шароитни яратиб бериш, талабаларнинг ижод маҳсуллари кўрик-конкурсларини ўтказиб туриш тадбирлар планининг асосий талабларидан бири бўлиб қолди.

Билим юртларини битириб чиқаётган ёшлар ишлаб чиқаришда илғорлар safida бўлиши учун керакли ҳамма ишлар қилинмоқда. Улар ноёб асбоб-ускуналар, приборлар, янги техника ва келажакда яратилажак машиналарнинг механизмларини яратишга, ўз қўллари билан бунёд этишга ҳаракат қилмоқдалар. Зеро, техника ижодкорлиги уларга биринчи курсданоқ сингдирила бормоқда.

Ҳозирги кунда ҳунар-техника билим юртларида Бутуниттифоқ ихтирочи ва рационализаторлар жамиятининг беш юздан ортиқ бошланғич ташкилоти ишлаб турибди. Уларга 150 мингдан ортиқ йигит-қиз аъзо бўлиб аксарияти республика ва Бутуниттифоқ кўрикларида қатнашмоқда. Совриндор ёшлар сони ортиб бормоқда.

Техникага иштиёқи баланд талабалар 1986 йилда уч юзга яқин рационализаторлик таклифи билан бошланғич ташкилотга мурожаат этган эдилар. Уларнинг деярли ҳаммаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Техника бобидаги янгиликларнинг иқтисодий самараси 112 минг сўмни ташкил этди. Юбилей йили кўрсаткичлари ҳам чакки бўлмади. Ёшларнинг амалиётга татбиқ этилган тавсиялари берган иқтисодий самара 150 минг сўмга борди.

Республикамизда 388 та ёш рационализаторлар мактаби ташкил этилган бўлиб, уларда 110 мингдан ортиқ киши ихтирочилик билан шуғулланмоқда, ўз билими, малакасини такомиллаштирмоқда. Махсус кабинет ва устахоналарда улар билан тажрибали механиклар, фан ва техниканинг турли соҳаси мутахассислари шуғулланмоқда.

Техника ижодкорлик кўргазмалари ишлаётган ёшларни рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Одатда ҳар йили баҳорда билим юртларимизда шундай кўргазмалар ташкил этилади. 85 та ҳунар-техника билим юртида эса доимий ишлайдиган кўргазмалар бор. Энг яхши ишлар шаҳар ва область кўрикларига танлаб олинади. Шуниси қувонарлики, 34 та ҳунар-техника билим юрти Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги кўргазмаси ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида қатнашишга муваффақ бўлди. Айрим талабалар иши Кампучия, Чехословакия ва Монголиядаги халқаро кўргазмаларда намойиш этилди.

Баъзи экспонатларни кўриб, уларнинг маҳорат билан бунёд этилгани, технологик ечими ноёб эканлиги боисидан билим юрти талабалари бунёд этганлигига ажабланишади ҳам. Ваҳолонки мавжуд машина ва аппаратларнинг жажжи нусхаларини ясаш улар учун оддий иш. Ёшлар фантазиясига хос изланишлар маҳсули бўлган баъзи конструкциялар моделлари борки, улар томошабинларни лол қолдиради. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги 2-ўрта ҳунар-техника билим юрти талабалари ҳаво ёстиқчасида ишлайдиган аэроход ҳамда келажакда бунёд этиладиган ҳаракатли йўл «қўрдилар». Тошкентдаги 33-ҳунар-техника билим юртида дистанцион бошқарувли планетоход моделини ясашди. 7-ҳунар-техника билим юртида таълим олаётган тошкентлик ёшлар замонавий электромонтаж устахонасини барпо этдилар. Пойтахтдаги 17-ҳунар-техника билим юртининг техник ижодкорлик тўгарагида тайёрланган гидравлик экскаваторнинг ҳаракатланувчи модели ҳам кўпчиликнинг диққатига тортди.

Ҳунар-техника таълими талабаларининг энг охирги республика кўргазмасида уч юз билим юрти 520 га яқин экспонат намойиш этди. Ёшлар ўртасида техник ижодиёт тобора кучайиб бораётган илм даргоҳлари ҳақида сўз борганда, аввало, Каттақўрғондаги 7- ўрта ҳунар-техника билим юртини тилга олиш керак. Бу ерда талабаларнинг техник ижодкорлигига ўқув-тарбия жараёнининг узвий давоми деб қаралади. Билим юртида талайгина техник тўгараклар ишлаб турибди. Машғулотлар ёшларда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари фан ва техника янгиликларини ўзлаштиришга, рационализаторлик ва ихтирочиликка, ҳар хил техника ва моделлар ясашга қизиқишни шакллантириб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги беш йилда билим юрти талабаларининг ўн иккита рационализаторлик таклифи амалиётга жорий этилди. Ўспирин ва қизларнинг изланиши туфайли микроэлектрон техника ҳаракати принципларини ўргатадиган ноёб қурилма, таълимнинг техник системаси бўйича дистанцион бошқарув пульти, ҳар хил тренажёрлар, электрлаштирилган плакат ва паннолар яратилди. Ҳозирги кунда улардан фан кабинетлари, ишлаб чиқариш устахоналарида самарали фойдаланилмоқда.

Тўғарак аъзоларининг мусобақаларда қатнашуви талаба учун аввало рағбатлантириш, қолаверса унда спорт кўникмаси орттиришнинг самарали усулидир. Кейинги йилларда каттақўрғонликлар область ва республика, ҳатто Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб, қатор совринларни қўлга киритдилар.

Билим юртида таълимнинг самарадорлигини ошириш, талабалар назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш, уларни замонавий ишлаб чиқариш талабларига монанд ишчилар қилиб тайёрлашда техник ижодкорликдан янада самарали фойдаланмоқдалар. Уларнинг бу борадаги тажрибаси барча ҳунар-техника билим юртлари учун ибратлидир.

Аммо баъзан ёшларнинг мустақил ижодкорлик йўли асоссиз тарзда узайиб кетмоқда. Бир қанча билим юртларида, чунончи Навоий областидаги 21, 22, 23-ҳунар-техника билим юртларида техник ижодкорликни ўстиришга етарли эътибор берилмаётир. Уларда ҳанузгача техник ижодкорлик тўгараклари очилмаган. Баъзи жойларда ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, рационализаторлик таклифларини кўриб чиқиш муддатлари бузилмоқда. Ёшларнинг билим ва ижодкорлик изланишлари қанча теран бўлса келгусида халқ хўжалиги ривожи шунчалик юксак бўлади. Негаки, бугун ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган ёшлар эрта-индин халқ хўжалигининг муҳим жабҳаларида асосий оғирликни зиммага оладилар.

Б. ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг техник ижодкорлик бўлими бошлиғи, СССР халқ маорифи аълочиси.



СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

Қизил Байроқли Ўрта Осиё ҳарбий округи. Мамлакатимизнинг энг узоқ чегараларида чегарачи денгизчилар СССРнинг сув сарҳадларининг дахлсизлигини ўз жанговар постларида ҳушёр туриб қўриқламоқдалар.

Суратда: Қўриқчи кема командири КПСС аъзолигига кандидат, катта мичман Василий Якимчук (ўнгда) ва унинг ёрдамчиси КПСС аъзолигига кандидат, бош кема старшинаси Сергей Чикунов жанговор вахтада.

А. КОШКИН ва И. ХУЖАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

ЯНГИ ШИФОХОНАЛАР

● Андижон областида агросаноат комплекси меҳнаткашлари учун иккита янги шифохона фойдаланишга топширилди.

Жалолқудуқ районининг ҳушманзара зонасида юз ўринли санаторий-профилакторий жойлашди. Уни Сўфиқишлоқ пахта заводининг коллективи хўжалик усули билан қурди. Шифохона замонавий диагностика ва физиотерапия аппаратлари билан жиҳозланган. Бу ерда Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари юқори баҳолаган шифобахш булоқ суви ҳам кенг қўлланилади. Шифохонада фақат пахта заводи ишчиларигина эмас, область агросаноат комплексининг бошқа бир қатор корхоналари ва хўжаликларининг меҳнаткашлари ҳам даволанишади.

Андижон пахтачилик институтининг санаторий-профилакторийси ҳам келувчиларга эшик очди. Бу ерда студентлар ва шу олий ўқув юрти ўқитувчилари билан бирга Фарғона водийсидан келиб, малака ошириш факультетида шуғулланаётган қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳам ўз саломатликларини тиклаб олишлари мумкин. (ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Алоқа министрлиги
ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: жисмоний тарбия;
доцентлар: КПСС тарихи, ҳисоблаш математикаси, (2), электрон квант асбоблар (2), линияли электр занжирлари назарияси, кўпканалли электр алоқаси;
катта ўқитувчилар: КПСС тарихи, физика (2), рақамли техника ва электр алоқа системаларини бошқариш, алоқа техникасида ўлчовлар;
ўқитувчилар: жисмоний тарбия (2), чет тиллар;
ассистентлар: автомат электр алоқаси (3), физика (2), рақамли техника ва электр алоқа системаси бошқарувчилари, ҳисоблаш математикаси, электр алоқа линиялари назарияси, техник электродинамика ва антенналар, алоқа қурилмаларининг электр қуввати билан таъминланиши, алоқа линиялари, ёпиқ ахборот узатиш ва телеграфия.

Конкурс муддати — 29 январгача.

Ҳужжатлар юбориш учун адрес: 700087, Тошкент шаҳри, Е-87, Энгельс кўчаси, 108-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги қошидаги
27-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича 1988-89 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги ёғочни қайта ишловчи-станокчи, дурадгор, фанерчи, юмшоқ мебелларни қопловчи, ёғочни қайта ишлаш асбоб-ускуналарини созловчи, прессловчи, безакчи.
Ўқиш муддати — 1 йил.
Бадиий ва стиль мебеллари дурадгори, мебелчи-дурадгор.
Ўқиш муддати — 3 йил.
Ошхона мебеллари ишлаб чиқариш учун мебелчи-дурадгор.
Ўқиш муддати 1—3 йил.
Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги, 8—10 синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.
Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, бепул кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош билан таъминланадилар.
3 йил муддатли ўқишни тамомлаганлар диплом оладилар. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий, ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга юборилади.
Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Билим юрти янги замонавий комплексга жойлашган бўлиб, унда бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турибди.
Спорт комплексида бокс, енгил атлетика, волейбол, кураш, самбо, футбол, шахмат ва шашка секциялари фаолият кўрсатмоқда.
Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.
Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳол, маълумот ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат, медицина справкаси, (286/У форма).
МАШҒУЛОТЛАР — 1988 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 4-квартал (58, 75, 40, 99, 98-автобуслар; 19-троллейбуснинг «27-СПТУ» бекати).

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг
«МЕҲНАТ» НАШРИЁТИ
НАШРИЁТНИНГ ЭНГ ЯХШИ НИШОНИ УЧУН

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

рассомлар, бадиий олий ўқув юртлари ва билим юртларининг студентлари, ҳаваскор рассомлар конкурсда қатнашиш учун таклиф қилинадилар.
НИШОН (марка) НАШРИЁТНИНГ МАВЗУ ЙУНАЛИШИНИ АКС ЭТТИРИШИ ЛОЗИМ.
«МЕҲНАТ» нашриёти республика агросаноат комплексини ривожлантириш масалалари билан боғлиқ кенг кўламда илмий, ишлаб чиқариш, справка, илмий оммабоп, шунингдек ишлаб чиқариш техника адабиётларини чоп этади.
Конкурс материаллари 1988 йил 20 январгача қабул қилинади.
Ишлар 6х6 см. ҳажмида, оқ фонда қора рангда ва қора фонда оқ рангда икки нусхада тақдим этилади.
Конкурс ғолиблари учун 80 сўмдан 150 сўмгача мукофот пули таъсис этилган.
Справкалар юзасидан қуйидаги адресда жойлашган «Меҳнат» нашриётининг графика бўлимига мурожаат қилинсин: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефон 44-25-56.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА
«ТАШЭНЕРГОСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ ТУГАТИЛДИ
Даъволар «ТашГРЭС-стройҚурилиш бошқармаси томонидан 1988 йил 16 январгача қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент области, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС поселкаси.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Маҳаллий саноат бошқармасига қарашли кенг истеъмол моллари фабрикаси
ТУГАТИЛДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 20-алоқа бўлими, Лангар кўчаси, 111-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/I да **Ҳазрати аёл**, 14/I да **Келинлар қўзғолони.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти коллективи институт директори У. П. Пратовга отаси
Прат БЕРКИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университетининг ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари ҳамда биология-тупроқшунослик факультети коллективи шу факультетнинг умуртқалилар зоологияси кафедраси мудири, профессор И. Қ. Қодировга отаси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси
Абдуқодир СУЛТОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари умумий фанлар кафедраси профессори вазифасини бажарувчи С. А. Йўлдошбековга отаси
Акбарбек ЙЎЛДОШБЕКОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениеси коллективи правление аъзоси, «Ўзбектелефильм» студиясининг режиссёри Ш. Г. Маҳбубовга онаси
Зебинисо МАҲБУБОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● *Бир хат изидан*

«Инсон умр торларининг бевақт узилиши, орзуманд кўнгилдаги буюк умидларнинг армонга айланиши, оналик бахтига муяссар бўлишни орзу қилиб, юраги остида яна бир юракни улғайтириб, уни дунёга келтириш йўлида ҳаётдан бевақт кўз юмаётган оналар қисмати қўлимга қалам олишга мажбур қилди, — дея ташвишланиб ёзади Китоб районидаги «Марҳабо» маиший хизмат кўрсатиш уйи ишчиси Нигора Собирова. — Ушбу хатни ёзишдан олдин ота-онам билан маслаҳатлашдим. Улар ўз оёғи билан туғуруқхонага бориб, уйга қайтмаган, ҳаётдан бевақт кўз юмган опамнинг «тақдири шундай экан-да» дея мени юпатишди. Агар шофёр тасодифан авariяга учраб, одам ўлишига сабабчи бўлса, жавобгар қилинади. Олти йил ўқиб ўз касбининг устаси бўлган шифокорлар инсон ўлимига йўл қўйса-ю, жавобгарликдан холи бўлса, бу адолатданми! Ахир, уч гўдак етим қолди. Ойнса, Хушвақт, Нафиса...»

УМР ТОРЛАРИ УЗИЛМАСИН

...Шаҳрисабз районидаги «Правда» колхозининг Янгиобод қишлоғида яшовчи Тўхта Ғаффорова ой-куни яқинлашганда: «Ўзимга таниш шифокорлар дардимга даво топишар», — деган орзу- умид билан 1987 йил 30 июль куни Китоб район туғуруқхонасига келди. Уни патология бўлимига ётқизишди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас унинг ҳомиладорлик муддати тўлди. Сўнг Тўхтахонни туғуруқхона бўлимига ўтказишди.

У ўзининг дармонсизлигини, кам қон эканини бошқаларга сездирмасликка ҳаракат қилар, ҳар гал туғуруғи оғир кечишини ўзи яхши биларди. Бу safар ҳам шундан чўчирди.

Врачлар ҳамма нарсани аниқлашди. Чиндан ҳам Тўхтахон камқон. Болани операция йўли билан олмаса бўлмайди. Операциядан олдин эса бемор ошқозонини ювиш керак эди. Афсуски, туғуруқхонада бу ишлар кўнгилдагидек амалга оширилмади. Ҳатто дастлабки операцияга тайёргарликсиз, ота-оналарга хабар қилмасдан, беморнинг розилигини олмасдан киришилди.

Реанимация бўлими мудири М. Авлоқулов операция олдидан наркоз бериш вазифасини яқиндагина туғуруқхонага келган малакасиз ёш врач, анестезиолог А. Остоновга топширди. Бу билан М. Авлоқулов ўз ишига масъулиятсизлик билан қараб, хатога йўл қўйганди.

Тўхтахонни операция қилишди, бола тирик қолди. Афсуски, онанинг ҳаёти дақиқалар ўтган сайин оғирлаша бошлади. Орадан икки кун ўтгач, беморнинг иситмаси кўтарилиб кетди. Шифокорлар қон зарурлигини айтишди. Жигар эмасми, акаси қон берди. Лекин, бу кутилгандек ёрдам бермади. «Нимага бундай бўляпти, балки операцияда бирор камчиликка йўл қўйилгандир?» — деган ўй шифокорларнинг бошини қотирарди. Қаршидан мутахассислар чақирилди. Улар Тўхтахонни орадан икки кун ўтар-ўтмас яна операция столига олишди. Бемор қорин пардасининг яллигланиши асорати қайта операция қилишни тақозо этарди. Агар биринчи операция сифатли бўлганда...

Қайта операция қилинган бемор дармонсизланиб, ҳалокат ёқасига келиб қолди. Сўнгги чора-тадбир қўлланганлигига қарамай бемор нинг ҳаётини сақлаб қолиш иложи бўлмади. У операция асоратини кўтара олмай ҳаётдан кўз юмди. Уч бола етим қолди...

Ўлим медицина ходимларининг шунчаки қўл учида иш тутганликлари оқибатида юз берди. Марказий шифохона маъмурияти томонидан ташкил этилган комиссия Т. Ғаффорованинг ўлимига айрим медицина ходимларининг совуққонлиги ҳам сабаб бўлган деган қарорга келди. Айбдорлар жазоланди. Район марказий шифохонаси маъмурияти туғуруқхона реанимация бўлими мудири М. Авлоқуловга наркоз бериш жараёнида йўл қўйган хатоси, туғуруқхона бош врачи ўринбосари Л. Рибкинага операциядан сўнгги даврда етарли кузатув ишлари олиб бормагани учун қаттиқ виговор берди. Реаниматолог врач А. Остоновга беморни операцияга тайёрлаш даврида йўл қўйган хатоси учун, физиология бўлими мудири Х. Турсуновага эса операциядан кейин беморга керакли ёрдам кўрсатмаганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.

Шифокор жазоланди, аммо бемор ҳаётдан кўз юмди-ку? Қанча-қанча орзу-умидлар, шифо илинжисида шифохонага келса-ю, унинг ҳаёти ўз касбига совуққонлик билан қараган баъзи ношуд медицина ходимларининг айби туфайли фожиа билан тугаса?!

Бундай воқеа Китоб район туғуруқхонасида ягона факт эмас. «Паландара» совхозидан келган Зулфия Қобилова ҳам операциядан кейин миясига қон қуйилиши натижасида вафот этган. Аниқланишича унинг бўйраги ҳам оғриган экан. Шунга қарамай участка врачи, аёллар консультациясида беморнинг касалини олдиндан аниқлаб, унга тегишли ёрдам кўрсатиш, дастлабки даво чораларини қўллаш билан қизиқишмаган.

Шунингдек, туғуруқхонада ёш аёллардан Мевиде Зекирьяева, Зулайҳо Орипова, Зулфия Муродова, Шарофат Ҳусайновалар кўзи ёригач кўп қон йўқотиш, реанимациядаги муолажаларнинг фойдаси тегмаганлиги оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмдилар. Бунга фақат туғуруқхона шифокорлари сабабчи демоқчи эмасмиз. Номлари тилга олинган аёллар ҳақиқатан касалланган. Ҳатто айримларининг сира туғиши мумкин эмас эди. Ҳамма гап шундаки, медицина ходимлари уларга туғиш оғир оқибатларга олиб келишини етарли тушунтирмаганлар...

— Сизларда нега аҳвол бундай?

Шундай савол билан район марказий шифохонаси бош врачи Толиб Зокиров, унинг ўринбосари Нўъмон Юсуповларга юзландик. Очиғини айтганда, улар бунинг сабабини тўла изоҳлаб беришолмади. Турли баҳоналарни рўкач қилишди.

Бизнингча, районда оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш мутлақо талабга жавоб бермаётганлигини бу муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу ерда болаларга тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳам кўнгилдагидек эмас.

Районда ўн тўрт ёшгача бўлган 55700 нафар ўғил-қиз бор. Уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш учун районда 110 ва етмиш ўринли иккитагина болалар шифохонаси бор, холос. Тўғри, малакали, олий категорияли педиатрлар ва медицина ходимлари етарли. Лекин, шифохоналар жуда эски биноларда жойлашган, қулай шарт-шароит йўқ. Моддий-техника базаси ночор. Район марказидаги болалар шифохонасида коридорга ҳам каравот қўйиб ташланган. Зал бўйлаб тош печкаларда ёқилган кўмир ҳиди анқийди.

— Иложи бўлмаса, нима қилайлик, — дейди бош врач Раъно Самадова. — Етмиш ўринли шифохонада ҳозир 123 нафар бемор бола бор. Шу кунларда палаталарни иситишда ҳам қийналяпмиз. Шундоққина ёнимиздан газ линияси ўтган. Шаҳар раҳбарлари ўшандан улаб беришга ёрдамлашмаяпти.

Бу ердаги нохуш манзара бизга район туғуруқхонасини эслатди. 120 ўринли туғуруқхонада 220 дан зиёд аёл бор. Баъзи палаталарда ҳатто ўн-ўн уч нафардан тиқилиб ётишади. Туғуруқхона газлаштирилмаган, ҳатто иссиқ сув ҳам йўқ. Тўғри, бош врач, ёш коммунист Гулчеҳра Набиева аҳволни яхшилаш учун эрта-ю кеч елиб-югуряпти. Бироқ унга амалий ёрдам керак. Кези келганда шуни айтиш керакки, районда санитария маорифи ишлари ҳам талабга жавоб бермайди. Медицина билимлари тарғиб қилинмайди. Саломатлик университетлари фақат қоғозда, холос. Колхоз ва совхозларда болалар учун механизациялашган сут ошхоналари ташкил этилмаётир. Шаҳар территориясидаги сут ошхонаси эса мослаштирилмаган бинога жойлаштирилган. Булар болалар ўртасида турли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Район партия, совет ташкилотлари умид боғлаётган, бу йил ишга туширилиши мўлжалланган марказий шифохонанинг янги, типовой биноси умумий аҳволни яхшилашга хизмат қилолмайди, албатта. Ваҳолонки, янги объектларни планлаштириш ва қуриш ҳақида ҳеч ким дадил шуғулланмаяпти. Район эса болалар ўлими бўйича «пешқадамлик» қилмоқда. Оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишдаги жиддий нуқсонлар Китоб районида кечирилмас оқибатларга олиб келмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — 120 минут. 9.05 — Нега ва нима учун? 9.45 — «Мана менинг қишлоғим». Бадиий фильм. 11.05 — Оламнинг яратилиши. Балет. дан сюита. 11.50 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Концерт. 16.45 —Қайта қуриш: тажриба ва муаммолар. 18.05 —Қувноқ концерт. 18.35 — Мультфильмлар. 19.05 — Тарих саҳифалари. 19.35 —Дунё воқеалари. 19.55 —«Кузги соната». Бадиий фильм. 21.30 —Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 —Кат. талар учун мультфильм. 22.35 —Дунё воқеалари. 22.45 — «Юнона ва Ажаб эмас». Фильм спектакль. 00.10 — Эстрада концерти.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Физика. 10.05 — Немис тили. 11.05 —СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Умумий биология. 12.05 — Немис тили. 13.05 — «Ботқоқликдаги одамлар. Полесье хроникаси». Бадиий фильм. 2. ва 3.-серия. 15.20 — ва 18.35 —Янгиликлар. 18.45 — Қишлоқ янгиликлари. 19.45 — Реклама. 19.50 —Концерт. 20.00 —Набережнаядаги уй. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ёзни эслаб. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05— Қайта қуриш прожектори. 22.15 —«Ботқоқликдаги одамлар. Полесье хроникаси». Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 —П. И. Чайковский номли конкурс лауреатлари. 00.15 — Хоккей. «Крылья Советов» —«Спартак».

● *Тингланг, томоша қилинг*

13 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Танаффусда янгиликлар.

ЎзТВ-I. 6.55 — Ассалому алайкум. 16.45 — Биология. 17.15 — Телефильм. 17.30 — Ўзбек совет адабиёти. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мульт. фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 —Агросаноат ва озиқ-овқат программаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 —Адабий театр. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 14. серия.

ЎзТВ-II. 19.20 — «Даврон. нинг бошидан кечирганлари». Бадиий фильм. 20.25 —Ритмик гимнастика. 20.50 —Беш йил. лик: ишлар ва одамлар. 21.30 Время. Фрунзе: 22.15 —«Мен — актрисаман». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа: 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Р. Қурбонов куйлайди. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубнинг янгиланиши. 11.05 — Хўжалик юритишни ўрганамиз. 11.15 — Юность. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 12.30 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 12.50 — И. Эшбек шеърлари. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Р. Паулс қўшиқлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Гулхан» журнали саҳифаларида. 15.50 — Қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида омманинг сиёсий активлиги. 16.00 — Қизил! Сариқ! Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — Созандалар ҳақида ҳикоялар. 19.20 — Аланга. 19.40 — «Север» программаси қоғозда ва амалда. 20.15 — Қрим татар композиторларининг қўшиқлари. 21.10 — Она табиатни эъзозлайлик. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 23.30 — Катталарга болалар ҳақида. 23.45 — Севги ҳақида қўшиқлар.

Р.— 10525. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. — 10. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12